

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ  
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

МАТЛУБА ҚАҲҲОРОВА

# МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2008

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида маънавий омил муҳим ўрин тутди. Ушбу рисолада маънавий омилнинг негизи бўлган маънавий идеал ва унинг жамият ривожигаги ўрни масаласи илк бор илмий таҳлил қилиб берилган.

Рисола мутахассислар, илмий ходимлар, маънавият-маърифат тарғиботчилари, миллий ғоя тадқиқотчилари, ёшлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби, фалсафа фанлари  
доктори, профессор **Хотима Шайхованинг**  
умумий таҳрири остида.


Масъул муҳаррир — **Ш. Тўраев**

Тақризчилар:

*Н. Комилов,*  
филология фанлари доктори, профессор;

*Н. Маматов,*  
фалсафа фанлари доктори, профессор

К 4702620204-12  
М25(04)-08



ISBN 978-9943-04-071-7

© «Маънавият», 2008

## КИРИШ

Бугунги демократик жамиятимиз тараққиётида маънавий-ахлоқий муҳит ва унинг асосларини ташкил қилувчи маънавий омиллар муҳим ўрин тутлади. Чунки «бугунги кунда ҳалқимизга азалдан хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва кайфиятига ижобий таъсир қилмоқда»<sup>1</sup>. Жамият маънавий муҳитидаги ушбу ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, саховат каби маънавий омиллар ўзига хос маънавий идеални таркиб топтиришга асос бўлади.

Маънавий идеал орзу-интилишлар, мақсад-муддаолар ва ахлоқий фазилатларни ўзлаштириш учун йўналтириш, даъват қилиш билан одамларнинг руҳи, ақли ва кайфиятини юксалтиради. Шу маънода жамиятимизда маънавий идеални шакллантириш ва ундан жамиятни ривожлантиришда фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб турибди. Ҳозирги кунга қадар олимларимиз томонидан «ижтимоий идеал», «ахлоқий идеал» масалалари муайян даражада тадқиқ этилган<sup>2</sup>. Бироқ, маънавий идеал муаммосини ўрганиш эътибордан четда қолиб кетмоқда.

<sup>1</sup> **И. Каримов.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон», 2007, 28-б.

<sup>2</sup> **Фалсафа: қомусий луғат.** Т., «Шарқ», 2004. **Н. Комилов.** Тафаккур карвонлари. Т., «Маънавият», 1994. **Қ. Назаров.** Қадриятлар фалсафаси (аксиология). Т., 2004. **Х. Шайхова.** Маънавият ва соғлом авлод камолоти. Т., «Akademiya», 2006. **А. В. Разин.** Этика. М., Академический проект, 2003. **А. Очилдиев.** Миллатлараро тотувлик ва барқарорлик. Т., «Маънавият», 2005. **М. Куронов.** Ижтимоий педагогика. С., 2003 ва ҳ.к.

Жамият ахлоқий муҳитини такомиллаштиришда маънавий идеал асосий тушунчалар, ғоялар ва хусусиятларни тақдим қилиши билан муҳим ўрин тутади. Маънавий идеал, муҳит категориялари ҳам бугунги кунга қадар аниқ белгилаб олинган эмас.

Ушбу рисолада маънавий идеалнинг мазмун-моҳияти, унинг категориялари, жамият ривожидан тутган ўрни каби масалалар таҳлил қилиб берилди.

Рисоланинг юзага келишида маслаҳатлари билан ёрдам берган барча кишиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.



## 1-ФАСЛ. «МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

Жамият ахлоқий муҳитини ҳар томонлама такомиллаштириб боришда асосий йўналишларни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Бугунги жамиятимиз ривожда маънавий идеални шакллантириш ва уни жамият ахлоқий муҳитининг асосий негизи сифатида қабул қилишни тақозо этмоқда. Чунки миллатнинг жони унинг одоб-ахлоқида бўлиб, жамият ахлоқининг илдизи миллат тарихи билан узвий боғлиқ ҳодиса. Инсон ёшликдан азалий анъаналар, урф-одатлар оғушида камолга етади. Бунда оила, маҳалла ва таълим-тарбия даргоҳларидаги микро, мезо ва макро муҳитдаги уйғунлик ва изчиллик катта ўрин тутаяди. Чунки демократик қадриятларнинг таркиб топиб бориш шароитида одамларнинг ахлоқий онгини умумийлик принципи асосида шакллантириб бориш зарурат ҳисобланади. Акс ҳолда, жамият ахлоқий муҳитида ахлоқий онг даражаси сусайиб кетади. Бунга сабаб демократик қадриятларнинг инсонга том маънодаги эркинлик беришидир. Бундай эркинликдан мақсадли фойдаланилса, у ахлоқий онгнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади, агар эркинлик омилидан мақсадсиз фойдаланилса (у суиистеъмол қилинса), ахлоқий онг ривожига салбий таъсир кўрсатади. Чунки «эркинлик бебошлик ва анархия эмас. Қонундан ташқари чиққан, анъанадан чекиниб, ахлоқсизлик қилган одам эркин одам эмас, балки бузғунчи ва бошқалар эркига тажовуз қилувчи кишидир»<sup>1</sup>. Шундай экан, жамиятда мутлақ эркинлик бўлмаслигини, мустақил фикрлаш маъсулиятсизлик ва бурчни унутиш эмасли-

<sup>1</sup> Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Т., «Академиа», 2005, 588-б.

гини англаш ва англатиш масаласини ҳал этиш лозим. Агар биз эркинликни билим билан, билимни иймон билан, иймонни эътиқод билан боғлаб ва уларнинг барчасини Ватанимиз равнақи йўлига қаратсак, ушбу мезонларни ўзида, ўз фаолиятида шакллантирган маънавий идеалларни тарбиялай олсаккина фуқароларнинг эркинлиги ва мустақил тафаккурига асосланган жамият қурамыз. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, маънавий идеал жамият ахлоқий муҳитини меъёрлаштиришда ва ахлоқий онгнинг мақсадли шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Биз «маънавий идеал» тушунчасини соф ахлоқий тушунча деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда унинг мазмун-моҳияти ва асосий категорияларига диққатингизни тортамиз.

Маънавий идеал мазмунини англашда икки тушунча — «маънавий» ва «идеал» тушунчаларининг маъносини аниқлаб олиш лозим бўлади. Аввало «идеал» тушунчаси ҳақида.

«Идеал» тушунчаси французча «ideal», лотинча «idealus» сўзларидан ҳосил бўлган бўлиб, «қиёфа», «мезон», «мукамаллик» маъноларини англатади. Атама сифатида орзу-интилишларнинг олий мақсадини ифодалайди<sup>1</sup>. У ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим ахлоқий категория ҳисобланади.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Президентимиз Ислоҳ Каримов Янги жамиятни барпо этишда идеал мақсадларнинг аҳамиятини таъкидлаб, унинг асоси сифатида «Миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини ва кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз»<sup>2</sup>, — дея кўрсатиб ўтгандилар. Ҳақиқатан ҳам ана шу уч омилда идеалликнинг муҳим илдизлари мавжуддир. Унга асосланиш истиқлол йилларида юртимизда «маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий ма-

<sup>1</sup> Фалсафа: қомусий луғат. Тузувчи ва маъсул муҳаррир Қ. Назаров. Т., «Шарқ», 2004, 142-б.

<sup>2</sup> И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 11-б.

даниятини оширишга йўналтирилган ишларимизда муҳим аҳамият касб этди»<sup>1</sup>. Ҳеч шубҳа йўқки, маънавий идеал орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар ақлий етуклик, руҳий поклик, жисмоний бақувватлилик ва албатта ахлоқий камолотга жуда катта эътибор қаратиб, бундай шахсларни идеаллар тимсолида кўрганлар. Навоий учун идел – Фарҳод. У ақлий ва жисмоний камолот эгаси. Ойбекнинг «Навоий» романида эса Навоий идеал образ. Алпомиш халқимизнинг идеал қаҳрамони, у ақл, фаҳм-фаросат, жисмоний камолот, мардлик ва ватанпарварликнинг бадиий тимсоли. Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, теран билимлилик билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам маъно-мазмун касб этган. Олимларнинг тадқиқотларига қараганда инсоният ўз ахлоқий тараққиёти давомида учта идеалга интилиб келди. Булар эркинлик, тенглик ва қардошлиқдир. Бу албатта муҳим фикр бўлиб, ўз даврида шўро идеологлари томонидан «атайин» кўздан четда қолдирилган. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг ахлоқий тараққиётида эркинлик, тенглик ва қардошлиқ принциплари муҳим ўрин тутаети, улар идеалнинг категориал тушунчалари бўла олади. Чунки фикрда, ахлоқда ва фаолиятда эркин бўлса, у ўзлигини англаб етади. Ўзлигини англаган инсон ўзганинг ҳам ўзидек эканлигини ҳис қилади. Бу тенглик принципининг қарор топишидир. Одамларнинг бир-бирларини ўзаро тенг деб билишлари уларнинг ягона мақсад сари бирлашиб интилишларини келтириб чиқаради, бу қардошлиқ принципининг намоён бўлишидир. Шу маънода Аристотель: «Идеаллар одамларни ўзаро яқинлаштиради»<sup>2</sup>, дейди. Бу яқинлаштириш идеалнинг ахлоқий мазмуни ва кучини белгилайди.

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 2007, 28-б.

<sup>2</sup> Аристотель. Метафизика. Ростов на-Дону, «Феникс», 1999, 48-б.

Энди «маънавий» тушунчаси ҳақида. «Маънавий» сўзи маънавият тушунчасига тааллуқлидир. Бугунги кунда «маънавият» тушунчасига бир қатор таърифлар берилган<sup>1</sup> ва уларнинг аксарияти қониқарли эмас. Аслида «маънавият» сўзининг негизида арабча «маъни» сўзи ётади. «Маънавий» сўзи маънига алоқадорликни билдирса, «маънавият сўзи «маънавий» сўзининг кўпликдаги шаклидир»<sup>2</sup>. Бу тўғри фикр бўлиб, «маънавий» тушунчасининг мазмунини ифодалайди. Унга кўра, «маънавият» тушунчаси инсоннинг ахлоқий онг жиҳатидан етуклигини ва ҳаётни мазмунли яшаб ўтишини англатади. Шу маънода файласуф олим А. А. Оганов: «Маънавият энг мураккаб ҳодисалардан бири, уни талқин қилиш қийин кечмоқда, тушунчалар баҳсли бўлмоқда. Бу борада уч ёндашув бор. Биринчиси, маънавият бу диний тушунча бўлиб, Худо йўлида хулқий покланишдир. Иккинчиси, бу дунёвий талқин бўлиб, унга кўра, маънавият бу эзгулик, гўзаллик, ҳақиқат, эътиқод идеалларининг мужассамлигидир. Учинчиси, маънавият бу инсоннинг ўз ички (ботиний) эркинлигидир, бу эркинлик унга интилиш, ўзи ва ўзгалар таъсирида бўлишига туртки беради деб талқин этар экан, мана шу учинчи фикр тўғри бўлиб, у илмий категория бўла олади»<sup>3</sup>, — деб таъкидлайди. Демак маънавият — инсоннинг ўз ички ҳаётида эркинлигидир ва маънавийлик бу эркинликнинг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча маънавий идеал қуйидагича таърифга эга бўлади: маънавий идеал — бу шахс ахлоқий онгини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи намуналар мажмуидир. Бу намуналар реаллик сифатида намоён бўлади. Кимдир маънавий-ахлоқий такомиллашишда пайғамбарни, бошқа биров даҳоларни идеал намуна деб билади. Лекин инсон учун идеал на-

---

<sup>1</sup> Т. Маҳмудов. Мустақиллик ва маънавият. Т., «Шарқ», 2001, 6–12-б.

<sup>2</sup> А. Бегматов. Маънавият фалсафаси. Т., «Шарқ», 2000, 14-б.

<sup>3</sup> А. А. Оганов. Современная проблематика философии культуры. // Философия и общество, Москва, 2007, № 2, 104-б.

муна фақат инсон бўлиши керак, чунки инсон реалликка ишонади, ундан ибрат олади. Бугунги жамиятимиз киши учун тарихий сиймолардан Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо кабилар фикрда, ахлоқда ва фаолиятда идеал намуна бўлишлари мумкин.

Биз маънавий идеалнинг нисбатан ахлоқий хусусияти устуворликка эга деб ҳисоблаймиз. Чунки, маънавий идеал ахлоқий хусусиятга эгаллиги билан инсоннинг ўзлигини англаб етишга даъват қилади. Негаки, арабча «маъни» сўзининг маъноси ўзбекча «ўзлик» сўзини ифодалайди<sup>1</sup>. Шу маънода, ўзлигини англаган киши инсониятнинг бир, ягона моҳиятга эга эканлигини ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиш ўзи учун ҳам зарарли эканлигини англаб етади. Бу ёвузликни тарк этиб, эзгуликка юз тутишдир. Демак, маънавий идеал негизида эзгулик гоёси туради.

Маънавий идеалнинг ўзликни англаш принципи Сукротнинг машҳур «ўзингни англа» фикридан<sup>2</sup> бошланган ва Иммануэль Кант бу принцип марказига эзгулик гоёсини қўйиб: «Агар барча одамлар эзгуликни мақсад қилиб олганларида, улар учун бурчнинг кераги бўлмас эди, чунки ҳеч ким ёвузлик томон қадам босмас эди»<sup>3</sup>, — деб таъкидлаганида нечоғлиқ ҳақ бўлганлигини ҳозирги кунда ҳам кўриш мумкин. Шундай экан, Эзгулик — инсоннинг ўзлигини англаб етишга туртки берувчи асос сифатида маънавий идеалнинг негизини ташкил қилади.

Ўзликни англаш ижтимоий амалиётда муҳим омил ҳисобланади. Чунки ўзлигини англаш, ўз-ўзини кашф қилиш билан инсон қудратли идрок, мустаҳкам ирода ва мўътадил хулқ-атвор ҳосил қилади. «Инсонни маънавий борлиқ деб тушуниш — унда ўлмас қалб, муқад-

<sup>1</sup> А. С. Большаков. Арабско-русский словарь. М., «Наука», 1999, 480-б.

<sup>2</sup> Фрагменты греческой философии. Тексты. Том 2, М., «Наука», 1989, 41-б.

<sup>3</sup> И. Кант. Лекции по этике. (1780—1782). // Этическая мысль. Научно-публицистические чтения, Ипл. 1991, 300-б.

дас руҳ, нажиб иймон, чексиз меҳр ва улуғвор виждоннинг мавжудлигини тан олиш демакдир. Бу борлиқнинг ҳаёти сирли, ички жараён бўлиб, ўзликда намоён бўлади. Инсоннинг маънавий борлиги маънавий маданиятнинг манбаидир»<sup>1</sup>, деб ёзади файласуф олим И. Ильин ўзининг «Маънавий янгилашиш йўли» номли асарида. Аслида бундай қараш миллий этикамиз тараққиётида баён қилинган бўлиб, у «маънавий вужуд» (яъни борлиқ) ҳосил қилиш деб аталган. Мисол учун Хожа Аҳрор Валий «Маънавий вужуд бу — кераксиз ҳою ҳаваслардан, характердан ва эҳтиёжу талаблардан воз кечиб, руҳий борлиқ ҳосил қилишдир»<sup>2</sup> дейди. Демак, ўзликни англаш билан инсоннинг моҳияти кашф қилинади, бу — маънавий идеалнинг энг муҳим функционал ва зифасидир. Чунки ўзлигини англамаган инсон ёмонликка, ёвузликка ва вайронгарчиликка мойил бўлади. Негаки, ўзлигини англамаган инсонда аста-секин фикрсизлик, ахлоқсизлик ва фаолиятсизлик таркиб топади.

«Ёмонлик, ёвузлик — бу эҳтиёжнинг ҳосиласидир»<sup>3</sup>, дейди баъзилар. Бу албатта нотўғри фикрдир. Чунки, инсон табиатан ёмон хулқ-атвор, одоб-ахлоқ билан тугилмайди, балки уни нотўғри тарбия, носоғлом муҳит ва бефарқлик, дахлсиз ва лоқайд муносабатлар ёмонликка бошлайди. Эътибор берилса, жинояти учун қамоқда жинорий жазо ўтаётган кимсада ҳам эзгулик, яхшилик туйғуси мавжуд бўлиши мумкин. Ёки бугунги кунда эътиборсиз қолаётган ёшлар мутаассиблар қўлига тушмоқда ва мутаассибларнинг носоғлом муҳити, фарзли тарбияси ва совуққон муносабати натижасида у худкушликни (камикадзе) «касб» қилмоқда. Бу ерда кўпроқ билимсизлик, тарбиядаги сусткашлик ва албатта истак билан эҳтиёжни аралаштириб юбориш амалга ошмоқда. «Инсон ўз ақли, заковати, туйғулари ва ҳиссиётларини илм орқали ривожлантириб, виждон деб аталмиш руҳият ва тафаккур бирлигидан иборат шахсий мезонни тарбиялайди. Бу мезон, яъни виждон ҳаракати ва

<sup>1</sup> И. А. Ильин. Сочинения. В 2-х томах, том 2, М., «Медиум», 1994, 277-б.

<sup>2</sup> Алий Сафий. Рашаҳату айтул-ҳаёт, Т., Ибн Сино номли нашриёт, 2004, 282-б.

<sup>3</sup> А. Камю. Бунтующий человек, М., «Мысль», 1989, 72-б.

иродаси инсоннинг ким ва нималарга қодир эканлигини кўрсатади. Яхши иш ва хулқлар рамзи бўлган виждон кишининг обрўсини кўтарса, виждонсизлик одамни бадном этиб, эл-юрт олдида шармисор этади»<sup>1</sup>. Ўз даврида А. Авлоний: «Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар асосида илк баён қиладурғон китоб ахлоқ дейилур, у инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир», — деб таъриф берар экан, микро, мезо, макро муҳитларнинг камолотини айнан маънавий-ахлоқий тарбия даражаси билан боғлаган. Шу маънода, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш ва маънавий идеални тарбиялаш ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барқарорлаштиришда ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки маънавий идеал инсонни эзгу мақсад сари йўналтиради. Шундай экан, жамият маънавий идеалга асосланиб ахлоқий муҳитни сайқаллаштириши керак.

Ҳозирги кунда маънавий идеалнинг категориялари белгилаб олинган эмас. Бизнинг фикримизча, маънавий идеалнинг ахлоқий категориялари учтадир:

1. Эзгулик.
2. Ўтиқодлилиқ.
3. Эркинлик.

Бу категорияларнинг зидди ҳам учтадир:

1. Ёвузлик.
2. Ўтиқодсизлик.
3. Мутелиқ.

**Эзгулик** шахсда хулқ, феъл-атвор ва характерни шакллантиради. Хушхулқли бўлиш, камтар феъл-атворлик ва ҳалимлиқ, умуман олганда, ахлоқийлик эзгуликнинг манбаидир. Эзгулик туйғуси осмондан олинмайди, у инсон қалбида бор туйғу. Бу туйғу вояга етказилиши керак. Вояга етказишда жонли, ибратли хатти-ҳаракатлардан фойдаланиш лозим. Шу ўринда ибрат томоиили, намуна даражалари ҳам соғлом турмуш тарзи кечаётган маънавий-ахлоқий муҳит мисолида келтирилиши мақсадга мувофиқ келади. Эзгулик туйғуси тарбияланмаган инсонда ёвузлик ҳислари «уйғонади». Аждодларимиз «бўш

<sup>1</sup> Маҳмудова Г. Жадидизм ва Туркистонда ахлоқий — эстетик фикр тараққиёти. Т., «DAVR PRESS», 2006, 75-б.



қоп тик турмайди», деб бежиз таъкидламайдилар, чунки қалб, юрак, дил эзгуликка йўғрилмас, ахлоқий тарбия билан тўлдирилмас экан, унинг ўрнини бошқа бир хатти-ҳаракатлар, аксарият ёвузлик ёки лоқайдлик ва дахлсизлик эгаллаб олади. Шу боис ҳам бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш долзарб масала бўлиб турибди. Чунки инсонда нафс туйғуси бор, бу туйғунинг истаклари чексиз. Шу маънода эзгулик руҳий-маънавий, ёвузлик эса нафсоний туйғу ҳисобланади.

**Эътиқодлилиқ** шахснинг ахлоқий-иродавий сифатидир. У шахсда ишонч, умид ва ҳаракатни шакллантиради. Инсон нимагадир (Худога, инсонга, ўзига, келажакка ва ҳоказоларга) ишониши билан маънавий қувват ҳосил қилади ва шу йўлда ҳаракатланади. Эътиқодли одам ўзи ва ўзгалар учун масъулият сезади. Бунинг акси бўлган **эътиқодсизлик** инсонни маънавий қувват манбаи бўлган ишончдан айиради, бунинг натижасида инсонда умид йўқолади ва энди у бефарқ, фаолиятсиз кимсага айланади. Зеро, эътиқод маънавий, эътиқодсизлик эса нафсоний туйғудир.

**Эркинлик** шахсга танлаш, англаш ва тушуниш имконини беради. Инсон эркин сўзлаши, эркин фикрлаши ва эркин яшаши лозим. У буларни танлайди, булар билангина ҳаётининг, умуман инсон ҳаётининг мазмунли (маънили) кечишини англаб етади ва бу ёруғ дунёда инсон фикрсиз, мақсадсиз яшай олмаслигини тушунади. Эркинлик одамни одам бўлиб яшашига ўргатади. Эркинликнинг акси **мутелиқдир**. Муте одамда танлаш, англаш ва тушуниш малакаси бўлмайди. У ўзгалар фикрининг, қарашларининг, хатти-ҳаракатларининг қулига айланади. Шу сабабли бугунги башарият «демократия» деганда мутелиқни тарк этиб, эркинликка интилишни назарда тутаяди.

Зеро, маънавий идеалнинг **Эзгулик**, **Эътиқодлилиқ** ва **Эркинлик** категориялари инсонни маънавий поклик, бағрикенглик ва биродарлик руҳида вояга етказаяди. Бу қонуниятларнинг инсон учун нақадар зарурат эканлиги Даниель Дефонинг «Робинзон Крузо» романида яхши тасвирланганини кўришимиз мумкин. Эсингиздами, Робинзон кимсасиз оролга тушиб қолади, яъни у жамиятдан узилиб қолади. Лекин Робинзонни бу фалокат-



дан нима қутқаради? Эзгулик, Эътиқодлилиқ ва Эркинликка интилиш. У оролдаги ҳайвоноту ўсимликка эзгу муносабатда бўлади, шу сабабли у жисмоний маҳв бўлмайди. Бир кун келиб, албатта, бу кимсасиз оролдан кетишига ишонади, натижада унда маънавий қувват ҳосил бўлади. Робинзон оролда эркин яшайди, оролдаги жониворларнинг эркин яшашига даҳл қилмайди, уларга озор етказмайди. Эркинлик руҳи уни ҳайвонотга, набоботга ва Жумавойнинг дўстига айлантиради. Агар Робинзон ёвузлик, эътиқодсизлик ва мутелиқ ҳиссига эга бўлганида, биринчи кундаёқ кимсасиз оролда вафот этади. Эътибор беринг: Эзгулик, Эътиқодлилиқ ва Эркинлик инсонни жамиятга даҳлдор қилмоқда, негаки, Робинзон оролда қанчалиқ яхши яшамасин, бари бир у одамларни, яъни жамиятни соғинади.


Ёки Абдулла Қодирийнинг машҳур «Ўткан кунлар»ини эслайлик. Эзгуликка риоя қилиш Отабек ва Кумушнинг машаққатларни енгиб ўтишига сабаб бўлди, ҳақиқатга бўлган эътиқоди уларнинг инсоний қиёфасини сақлаб қолди ва натижада улар ахлоқий жиҳатдан намунага айланишди.

Таъкидлаш лозимки, шахсда маънавий идеални шакллантиришда унинг руҳий ва ақлий хусусиятларини уйғун ривожлантириш лозим бўлади. Биз ақлни ёки руҳни устувор қўйиш фикридан йироқмиз. Чунки ўта ақлли одам ҳам маънавий даражада паст бўлиши мумкин ёки руҳи улғайган инсон оддий ҳодисалар сабабини ҳам тушунишда қийналиши мумкин.

Зеро, маънавий идеал инсоннинг ахлоқий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу маънода маънавий идеал «Инсоннинг етуклик мезонидир»<sup>1</sup>. Демак, маънавий идеални болалар боғчасидан тортиб олий ўқув юртигача бўлган тизимда шакллантиришга диққат қилиш лозим бўлади. Маънавий идеални инсон онгида шакллантиришда далиллар масаласига алоҳида эътибор бериш керак. Далилланмаган (фактизация) маънавий идеал киши қалбида ўрнашмайди, хотирада муҳрланиб қолмайди. Бу энг муҳим масаладир.

<sup>1</sup> Э. В. Ильенков. Философия и культура. М., «Ипл», 1991, 204-6.

Маънавий идеал схематик тарзда куйидагича акс этади:



Ўзбекистон демократик жамиятининг ҳозирги ривожланиш жараёнида *маънавий идеал* муҳим ўрин тутади.

Инсон жамиятда муайян мақсад-муддаосиз яшай олмайди. Ҳар бир киши ўзининг келажагини бирон-бир мақсад шаклида олдиндан тасаввур қила олмаса, унинг бунёдкорлик ҳаракати сусаяди, натижада инсоннинг кайфиятини тушкунлик, фаолиятини эса бепарволик, лоқайдлик ва дахлсизлик каби иллатлар эгаллаб олади. Шу маънода **«маънавий идеал» ҳам шахсга жамиятда ўз ўрнига ва муайян ижтимоий мавқега эга бўлиб яшаши учун йўналтирувчи ғоялар, тушунчалар ва ахлоқий қарашлар тизимини тақдим этади.** *Ғоялар мажмуи шахс* ҳаёти ва фаолиятига таъсир қилувчи муддао, асос ва омиллардир. Ғоялар мажмуи маънавий идеалга айланиши учун тажрибалар чиғириғидан ўтган бўлиши лозим. Ҳар қандай ғоя ёки муддао маънавий идеал учун асос бўла олмайди. Балки инсоннинг ўзлигини сақлашга хизмат қилувчи ғоялар маънавий идеал сифатида نامоён бўлади.

Маънавий идеал мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлади. У инсоннинг онги, фикри, ахлоқи ва фаолиятини ижтимоий қонуниятлар асосида йўналтиради. Инсоннинг ижтимоий шаклланишида маънавий идеал негиз, асос бўлиб хизмат қилади. Шу маънода шахснинг ўз жамиятида фаол яшаб ўтишида маънавий идеал асослардан бири бўлиб хизмат қилади. Ўзгача айтганда, инсонда ижтимоий онг, ижтимоий фикр, ижтимоий ахлоқ ва ижтимоий фаоллик ҳиссининг пайдо бўлишига маънавий идеал ҳам асос бўлади.

Маънавий идеал шахснинг онги, тафаккури, идрокки, ҳиссий дунёси — умуман маънавий (ички) оламида шаклланса-да, лекин у муайян жамиятнинг маънавий даражаси учун ижтимоий эҳтиёжлар, талаблар ва заруриятлар сифатида пайдо бўлади. Шу маънода ҳар бир жамиятда даврий ва умумий маънавий идеаллар юзага келади. *Даврий маънавий идеаллар* бир жамиятнинг эҳтиёжларини рўёбга чиқарса, *умумий маънавий идеаллар* эса барча жамиятга хос бўлади. Масалан, ҳозирги жамиятимиз учун инсоннинг соғлом эътиқодга эга

бўлиши долзарб маънавий идеал бўлса, инсон қадри-ни сақлаш эса умумий маънавий идеалга хос бўлган гоядир.

Маънавий идеал тушунчаси инсоният тараққиёти-да *тадрижий равишда* шаклланиб келган. Мисол учун, бу масала ўрта асрларда юртимизда илм воситасида талқин қилиниб, барча масалалар шунга асосан тушунтирилган. Абу Наср Форобий бу борада: «Илмларнинг афзали «ҳикмат», мавжудотларнинг мукаммали **«ҳа-кимлар»дир**. Инсоннинг билиш фитрати (инстинкти) энг яхши илмлар воситасида тафаккур қилади ва борлиқнинг мазмунини кашф қилади»<sup>1</sup>, — дейди. Бу ўринда назарда тутилган ҳикмат инсоннинг руҳий-маънавий билиш қобилятини ифодалайди ва Форобий билиш воситасида маънавий идеалнинг шахснинг ўзини англаб етишига ишора қилади. Шу маънода маънавий идеалга эга шахс «ҳаким», яъни ҳақиқатни ва сирларни илҳом ва кашф билан билувчи кишига қиёсланади.

Маънавий идеал тушунчасини бундай талқин қилиш Фарб олимларига ҳам хосдир. Масалан, рус файласуф олими И. Ильин «Инсоният ягона маънавий эфир қамровида яшаб келмоқда»<sup>2</sup> деб таъкидлайди. Бунинг маъноси шуки, инсоннинг ўзлигини фақат инсониятга хос бўлган руҳий-маънавий куч сақлаб туради. Бу куч маънавий идеалдан қувват олади.

Маълум бўладики, маънавий идеал тушунчаси Шарқ ва Фарб олимлари томонидан моҳият жиҳатидан бир хил маънода талқин қилиб келинган.

Бироқ ҳозирги замон илмий-назарий адабиётларида маънавий идеал тўғрисида сўз юритилмаган. Лекин Фалсафа қомусий луғатида *ижтимоий идеалга таъриф берилган*. Унга кўра, ижтимоий идеал бу «энг адолатли, мукаммал жамият қурилишига, бахт-саодатга эришув-

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Т., «Ёзувчи», 2002, 24-б.

<sup>2</sup> Имом ал-Бухорий жамғармаси, Т., 2002, 163-б. И. А. Ильин. Сочинения. Том 2, М., «Медиум», 1994, 326-б.

га оид гоёя, фикр ва таълимотлардир»<sup>1</sup>. Бу таърифга кўра, ижтимоий идеалнинг икки вазифаси белгиланган:

1) ижтимоий идеал адолатли, мукаммал жамият қуришга кишиларни сафарбар қилади;

2) ижтимоий идеал кишиларни бахт-саодатга эришишга даъват қилади.

Шунингдек, таърифда ижтимоий идеалнинг негизини «гоёя, фикр ва таълимот» ташкил қилиши таъкидланади ва адолат, раиятпарварлик каби категориялар санаб ўтилади<sup>2</sup>. Ижтимоий идеал жамият миқёсида бўлиши билан умумийлик хусусиятига эга бўлади ва берилган таъриф тўғридир. Айни пайтда, миллий фалсафий меросимизда «*маънавийлик*» атамаси ишлатилганини назарда тутиш лозим бўлади. Мисол учун, Жалолиддин Румийнинг асарини «*Маънавий маснавий*»<sup>3</sup> деб номланишини эслайлик. Бу ҳолда, маънавий муддао ҳақида сўз борганда, «маънавий идеал» категориал тушунчасини ишлатишимиз мумкин. Маънавий идеал — **инсоннинг руҳий-ахлоқий оламига хос бўлган гоёя, фикр ва қарашлар мажмуини ифодалайди.** Чунки «маънавият» деганда инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибаси давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими»ни тушунамиз<sup>4</sup>. Миллий ва умуминсоний қадриятлар тизими эса ўз навбатида инсоннинг онги, қобилияти ва интилишлари асосида шаклланади ва ривожланади<sup>5</sup>. Демак, маънавий идеал тушунчасида нисбатан умумийлик хусусиятига эга бўлган ахлоқийлик илк режага чиқади ва маънавий идеал ана шу ахлоққа урғу бериш билан «ижтимоий идеал» тушунчасидан фарқ қилади.


<sup>1</sup> Фалсафа: қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров, Т., «Шарқ», 2004, 146-б.

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Т., «Шарқ», 1999, 368-б.

<sup>4</sup> Ўша манба. 255-б.

<sup>5</sup> Ўша жойда.



Бизнинг фикримизча, маънавий идеал ижтимоий идеалга нисбатан қуйидаги фарқликларга эга:

1. Маънавий идеал умумий фаровонлик ва бахт-саодатга эришишда алоҳида кишининг манфаатлари асосида умумманфаатлар томон боришни назарда тутди. Ўзгача айтганда, «инсондан умуминсонийликка» гоёси маънавий идеалнинг специфик хусусиятидир.

2. Маънавий идеал инсонда гоё, маслак, дунёқараш ва ахлоқни шакллантириши билан ахлоқий гоё, маслак, дунёқараш ва характерни таркиб топтиришнинг функционал вазифаси деб билади. Ўзгача айтганда, маънавий идеал инсоннинг онги ва тафаккуридаги энг илғор жиҳатларни умумлаштириш (ижтимоийлаштириш) йўлига асосланади.

3. Маънавий идеалда инсонийлик ва ахлоқийлик тамойилларига урғу берилади. Инсоннинг инсонийлиги ва ахлоқийлиги умумжамият даражасида намуна бўлиб хизмат қилади.

4. Маънавий идеалдаги гоё, маслак ва қарашлар тизими муайян жамиятнинг эҳтиёжини қондириши ёки муайян жамият учун ментал хусусият касб этиши мумкин.

Маънавий идеал ва ижтимоий идеал категориялари орасидаги бу фарқликлар кўзга кўринмас даражада бўлса-да, лекин маъно-мазмун жиҳатидан айрича тушунчалардир.

Баъзи олимлар «ижтимоий-маънавий идеал» тушунчасини ишлатишни маъқул кўрадилар<sup>1</sup>. Ҳозирги дунёвий тараққиёт даврида бу атамани ишлатиш мумкин. Чунки бизнинг жамиятимизда ҳам миллий, ҳам умуминсоний маданият уйғунлиги таркиб топиб бормоқда. Шу маънода «ижтимоий-маънавий идеал» атамаси Шарқ ва Ғарб цивилизациявий-ахлоқий гоёларининг уйғунлашган шаклини ифодалайди. Аммо биз тадқиқотимизда миллий специфик хусусиятни ифодалаш учун «маънавий идеал» тушунчасини ишлатдик ва назаримиз-

<sup>1</sup> В. Франкл. Человек в поисках смысла. М., «Прогресс», 1990, 140-5.

да, бу тушунча этика қонуниятлари нуқтаи назаридан асослидир.

Шахсда маънавий идеалнинг эзгу мақсад (ғоя), чуқур билим (дунёқараш) ва самарали фаолият (амал) элементларининг таркиб топиши учун кишида фуқаролик ҳис-туйғуси шаклланиши шарт. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳисси шахснинг жамият ахлоқий муҳотида маънавий идеалли киши сифатида фаолият юритиши учун муҳим ва асосий омил бўлади<sup>1</sup>.

Фуқаролик ҳиссининг кўлами ва талаблари ҳар бир жамиятда ўзига хос хусусиятларга эгадир. Айни пайтда, фуқаролик ҳисси шахснинг ўз жамияти маънавий идеалларини ўзлаштириб олиш имкониятини беради. Умуман олганда шахс ўз жамиятининг маънавий идеалларини англашида фуқаролик ҳиссига таянар экан, бунда тўрт тамойил муҳим ўрин тутади<sup>2</sup>:

- 1) шахс жамиятда ўз ўрнини эгаллашга интилади;
- 2) шахс жамоага оид хислатларга мослаша боради;
- 3) шахс ўз гуруҳини танлай боради;
- 4) шахс ўз гуруҳида фуқаролик ҳиссини кашф қилади.

Аслини олиб қараганда эса ахлоқий мукамал фуқаролик ҳиссига эга шахс жамиятда юзага келган энг мураккаб пайтларида ҳам фуқаролик ҳиссини ҳосил қила олади. Олимларнинг фикрича, маънавий идеал охирикватда шахсда фуқаролик ҳиссининг умумдавлат даражасида шаклланишига олиб келади<sup>3</sup>. Албатта, бу олимлар бевосита «маънавий идеал» атамасини ишлатмаганлар. Улар «ижтимоий-маънавий» (социально-духовная) тушунчасини ишлатганлар. Муҳими, бу ўринда тушунчанинг мазмуни очилиб берилаётганидадир.

Бизнинг кузатишимизча, ҳозирги жамиятимизда шахснинг, айниқса ёшларнинг маънавий идеалини шакллани-

<sup>1</sup> **Е. Н. Трубецкой.** Смысл жизни. М., «Проспект», 2004, 144-б.

<sup>2</sup> **Г. М. Андреева.** Психология социального познания. М., БЕК, 2000, 268-б.

<sup>3</sup> **Л. Г. Ионин.** Социология культуры. М., «Аспект», 2004, 272-б.



тиришда фуқаролик ҳиссининг аҳамияти қониқарли аҳволда. 2006 йилнинг баҳорида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида ўтказган ижтимоий сўровномамизга кўра (унда 1200 ўқувчи иштирок этди), ёшларнинг 81,3 фоизи Ўзбекистонни «ўз ватани» деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, сўровномамизда иштирок этганларнинг миллат таркиби турлича эди<sup>1</sup>. Демак, ёшларда умумватан туйғуси ва ватанпарварлик ахлоқи шаклланган, бу фуқаролик ҳиссининг пайдо бўлишидаги илк омилдир. Бундан ташқари, «Ватанни севиш» туйғуси маънавий идеалнинг ғоявий асосларидан биридир. Қизиги шундаки, ўқувчи ёшларнинг 49 фоизи ўз қишлоғи ёки шаҳрини чинакам Ватани деб, 43 фоизи эса Ўзбекистонни умумватани деб биледи. Бунда ёшларнинг маънавий идеалида минтақавий хусусиятларнинг акс этганлиги намоён бўлади.

Шахснинг маънавий идеали унинг фуқаролик ҳисси ва фаолиятида намоён бўлар экан, жамиятда яшашдан мақсад нималигини англаб етиши масаласи ҳам муҳим ўрин тутеди. Сўровномамиз натижаларига кўра, 82 фоиз ёшлар Ўзбекистон фуқароси эканлигидан фахрланишди. Айни пайтда, 18 фоиз ёшлар фуқаролик ҳиссини тўлиқ англаб етганлар. Бизнинг эътиборимизни фуқаролик ҳиссининг шахсда жуда мураккаб тарзда таркиб топиши тортди. Мана бу маълумотларга эътибор беринг: 14–17 ёшли ўсмирларда фуқаролик ҳиссининг мураккаб тарзда таркиб топиши (% ҳисобида).

Фуқаролик ҳисси					
	Бор	Йўқ	Заиф	Ўргача	Юқори
Барча респондентлар	65	35	20	6	9
Ўғил болалар	68	32	18	4	10
Қизлар	62	38	23	7	8

<sup>1</sup> Ўзбеклар 61%, руслар 18%, қозоқлар 7%, тожиклар 2% ва ҳ.к.



18–21 ёш	70	30	19	5	7
22–25 ёш	62	38	22	5	12
26–30 ёш	64	36	20	8	7
Ўзбеклар	66	34	20	6	9
Бошқа миллатлар	43	57	29	14	14
Шаҳарда яшовчилар	59	41	25	8	8
Қишлоқда яшовчилар	77	23	9	6	8

Маълум бўладики, шахсда фуқаролик ҳисси яшаш жойи ва ижтимоий муҳитига нисбатан фарқли равишда шаклланиб боради. Бу натижалар қуйидаги фикрларга олиб келади:

1) эркаклар аёлларга нисбатан ижтимоий гуруҳлар орасида кўп бўлгани учун уларда фуқаролик ҳисси тез пайдо бўлади (68 фоиз);

2) 18–21 ёш оралиғидаги шахсларда фуқаролик ҳиссини туйиш юқори бўлади (70 фоиз);

3) қишлоқда яшовчилар шаҳарда яшовчиларга нисбатан ўзини кўпроқ жамиятга дахлдор деб билади (77 фоиз), бунга сабаб қишлоқ шароитида анъаналарга қатъий риоя қилишдадир.

Бироқ маънавий идеалнинг фуқаролик ҳиссини шакллантиришдаги таъсири макон ва замон танламайди. Яъни, бунда яшаш муҳити, касб-кори кабилар юқори даражада таъсир кучига эга бўлмайди. Чунки жамиятда умумғоявий йўналишга эга маънавий идеаллар тарғиб қилинади. Зеро, маънавий идеал воситасида фуқаролик ҳиссини шахсда таркиб топтириш учун уч масалага диққат қилиш лозим:

- 1) шахсга ўз жамиятини англаб етишига кўмаклашиш;
  - 2) шахсни жамият ҳаётига қизиқтириш;
  - 3) шахсда миллий туйғуларнинг ўсишига диққат қилиш.
- Чунки фуқаролик ҳиссининг таркиб топиши учун

шахс ўзини эркин ҳис қилиши ва ўзлигини англаб бо-риши керак.

Профессор М. Бекмуродов қайд этганидек, «Айни чоғда тан олиш жоизки, жамиятимиздаги баъзи одам-лар ижтимоий-маънавий, интеллектуал янгиланишлар жараёнларига етарли даражада фаол иштирок этмаяп-тилар»<sup>1</sup>. Бу салбий омиллар жамиятимиз кишиларида маънавий идеалнинг заиф даражада таркиб топишига олиб келади. Шу тариқа фуқаролик ҳисси ҳам тўлақон-ли бўлмаслиги мумкин.

Маънавий идеалнинг фуқаролик ҳисси шаклида намоён бўлиши учун шахс ижтимоий-ахлоқий жиҳат-дан коррекция қилиб борилиши лозим. Бунда асосий эътибор ёшларга қаратилиши керак. Ёшларнинг бу ма-сала бўйича фикрларига эътибор беринг:

**Ёшларнинг катта ёшли ва етакчиларга нисбатан  
фикри % ҳисобида**

Билдирилган фикрлар	Салбий	Ижобий
Катта ёшлилар ёшлар билан фикрлашмайдилар	65	58
Катта ёшлилар керак бўлганида ёшлар билан қизиқишади	60	54
Ёшлар катта ёшлиларга ўз фикрини эркин билдира оладилар	57	52
Катта ёшлиларга ишониб бўлмайди	57	49
Катта ёшлилар ўз манфаатларини кўзлайдилар	38	50
Етакчиликка фақат манфаат учун интилинади	40	34
Ҳар бир киши ўзини ўзи англаб етиши керак	11	46
Бугун ижтимоий фаоллик учун барча шароитлар бор	6	34

Манба: 2006 йилги ижтимоий сўров.

<sup>1</sup> М. Бекмуродов. Ўзбек менталитети. Т., «Янги аср авло-ди», 2004, 34-б.

Бу фикрлар танқидий бўлса-да, лекин ҳақиқатни ифодалаш билан диққатни тортади. Ёшларга ижобий таъсир кўрсатиш учун фақат мақсадли ёндашув керак, холос.

Жамиятимизда маънавий идеалнинг таркиб топиши учун бир неча масалаларга диққат қилиш лозим бўлади. Бизнингча, улар қуйидагилардан иборат:

— жамиятда миллий ғояни тарғиб қилиш асосида миллий ахлоқни қарор топтириш;

— фикрлар хилма-хиллигига (плюрализмга) асосланган ҳолда умуминсоний ахлоқ билан уйғунлашиш;

— изчил равишда таълим-тарбия жараёнида ахлоқий коррекция ишларини олиб бориш.

Миллий ғоя асосида жамиятда маънавий идеални шакллантириш энг асосий масалалардан бири бўлиб турибди. Бунда шахснинг онги ва қалбига қуйидагиларни сингдириш мақсадга мувофиқдир:

1. Она юртга вафодорлик.

2. Истиқлолга садоқат.

Она юртга ва истиқлолга садоқат шахсда ватанпарварлик ахлоқини шакллантиради. Ватанпарварлик ахлоқи шахснинг маънавияти билан боғлиқ тушунчадир. Файласуф олим И. Ильин «Ватан — руҳий тушунча, руҳ ватан учундир», — дейди<sup>1</sup>. Бунинг маъноси шуки, ватанпарварлик туфайли киши маънавий тетикликни ҳис этади. Шу маънода ватанни ҳур, озод кўриш шахснинг маънавий идеали ва ахлоқий қиёфаси ҳисобланади. Бу ўринда «садоқат» тушунчасига ҳам эътибор бериш керак. Маънавий етуклик садоқатлилики тақозо этади. Чунки кишининг руҳи изчилликни севиш билан садоқат туйғусидан озикланади. Демак, садоқат — руҳни улғайтиради ва ватанпарварлик ҳисси руҳга сингиб кетади. Буларнинг барчаси миллий ғоянинг маънавий идеални таркиб топтиришдаги аҳамиятини кўрсатади.

Фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) маънавий идеалда умуминсоний ахлоқий қадриятларни таркиб топтиради. Тинчликпарварлик, меҳнатсеварлик, биродарлик каби фазилатлар умуминсоний ахлоқ нормаларидир. Бу ахлоқий қадриятларсиз маънавий идеални жамиятда тар-

<sup>1</sup> И. Ильин. Сочинение. Том № 2, 200-б.

киб топтиришда тўлақонли самарага эришиб бўлмайди. Чунки ахлоқий қадриятларнинг маънавий идеалда тутган ўрни икки жиҳатдан аҳамиятга эга бўлади:

1. Ахлоқий қадриятлар умумманфаатни кўзлайди.
2. Ахлоқий қадриятлар шахсни бурчга даъват қилади.

Шу маънода олимлар томонидан тез-тез эслатиладиган «Этика — бурч ҳақидаги фандир»<sup>1</sup> деган фикр ҳақиқатга яқиндир. Чунки, бурч — ахлоқнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у шахснинг жамиятга бўлган муносабатидир. «Бурч шахснинг ахлоқий фаолиятини ифодаловчи масъулият, онглилик, виждон каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқдир»<sup>2</sup>. Зеро, фикрлар хилма-хиллиги умуминсоний — ахлоқий қадриятларни маънавий идеал таркиб воситасида жамиятга сингдиради. Бу жараёнда бунёдкорлик ғоялари билан қуролланган кенг халқ оммасининг идеаллари, манфаатларини ўзида мужассам этувчи мафкурагина инсонпарварлик, тараққийпарварлик тамойиллари асосида мамлакат, халқ тақдирида ижобий аҳамиятга эга бўлади, кишиларни эзгу ишларга даъват этади.

Таълим-тарбия жараёни воситасида шахс ахлоқини коррекция қилиб (сайқаллаштириб) бориш муҳим масаладир. Бунда ҳам икки йўл бор:

1. Ахлоқий фазилатларни ривожлантириш.
2. Ахлоқий иллатларни чеклаш.

Бу масалада мақсадли йўналиш керак. Акс ҳолда фақат ахлоқ ҳақида гапириш билан иш битмайди. Чунки бугунги авлод ахборотлар оламида яшаётганлигини унутиб бўлмайди.

Жамиятимизда маънавий идеални таркиб топтиришда бу уч масалага диққат қилиш муҳимдир.

Шундай қилиб, маънавий идеалнинг мазмуни кенг қамровли тушунчадир. Таъкидланганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

**Биринчидан**, маънавий идеал шахсда эзгу мақсад,

---

<sup>1</sup> Л. А. Попов. Этика. Курс лекции, М., «Центр», 1998, 10-б.

<sup>2</sup> У. Маҳкамов. Ахлоқ-одоб сабоқлари, Т., «Фан», 1994, 28-б.

мустақил дунёқараш ва самарали фаолият тушунчасининг таркиб топишидир. У шахсда фуқаролик ҳиссининг намоён бўлиши билан амалий аҳамият касб этади.

*Иккинчидан*, маънавий идеал шахсда иймон, хулқ-одоб, адолат, инсонийлик, меҳнатсеварлик ва ташаббускорлик каби ахлоқий тушунча ва тамойиллар орқали ижтимоий фазилатларни таркиб топтириш натижа-сида ҳосил бўлади.

*Учинчидан*, маънавий идеал ғоя, маслак, муддаодан иборат фалсафий-ахлоқий асосларга эга ва у тенглик, тараққиёт, фаровонлик каби ижтимоий омиллар асосида шакллантирилади, бунда шахснинг ўзини ўзи англаб бориши муҳим ўрин тутати.

*Тўртинчидан*, маънавий идеал бу шахс ахлоқий онгини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи намуналар мажмуидир. У ғоя, тимсол ва манба сифатида намоён бўлади, маънавий идеалнинг асосий вазифаси шахсни эзгу мақсадлар сари йўналтиришдир.

*Бешинчидан*, маънавий идеалнинг ахлоқий категориялари учта: эзгулик, эътиқодлилиқ ва эркинлик. Буларнинг зидди ҳам учта: ёвузлик, эътиқодсизлик ва мутелик. Ахлоқий тарбия ишлари инсонда эзгулик, эътиқодлилиқ ва эркинлик туйғуларининг ғолиб тарзда шакллантиришга асосланиши керак.

*Олтинчидан*, маънавий идеални шахс онгида шакллантиришда кишининг ақлий ва руҳий жиҳатларини уйғун ривожлантиришга диққат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ақлий ва руҳий имкониятнинг устувор бўлиши шахсда маънавий идеалнинг кутилган даражада шаклланишига олиб келади. Зеро, маънавий идеал шахс ахлоқий етуклигининг мезони бўлиши керак.

## 2-ФАСЛ. МАЪНАВИЙ ИДЕАЛНИНГ ЖАМИЯТ АХЛОҚИЙ МУҲИТИГА ТАЪСИРИ

Жамиятнинг ахлоқий муҳити ҳамиша ахлоқ қонуниятларига асосан меъёрлаштириб борилади. Чунки ахлоқ универсал ҳодиса — унинг қоидалари, нормалари ва талаблари ўзгармайди, ҳамиша ҳамма учун умумий талаб ҳисобланади. Хулқий фазилатлар, феъл-атвор хис-

латлари ўзгариб бориши мумкин, лекин улар ахлоқ қонуниятлари доирасида ўзгариши керак. Шу маънода бугунги жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий муҳити ва унинг ахлоқий даражаси талаб даражасида, унга миллийлик ва умуминсонийлик хос. Бунинг сабаби шундаки, жамиятимизнинг ахлоқий муҳити қадимги тарихий тажриба ҳосиласидир. Бизда каттага ҳурмат, кичикка иззат, оилага садоқат, муҳтожга саховат, ўзига талабчанлик ва Ватанга нисбатан фидойилик ахлоқий маданият даражасига кўтарилган. Бу қадриятларсиз бизнинг ахлоқий онгимиз ғариб бўлиб қолади. Бу консерватив ҳодиса эмас, аксинча, миллий ўзига хослик ва ментал характерга эгадир.

Айни пайтда, дунёнинг ҳозирги ривожланиш жараёни, ўзга жамиятларда ҳам кузатилаётганидек, бизнинг жамиятимиз ахлоқий муҳитига ҳам икки жиҳатдан салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли бор: *биринчидан*, баъзи оқимлар томонидан миллий ахлоқий қадриятларимизга дахл қилишга доир уринишлар. Бунда «оммавий маданият» ниқоби остида мутаассиблик, беҳаёлик, фаҳш каби маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини тикиштиришга уринишмоқда. *Иккинчидан*, глобаллашув баҳонасида умуминсоний қадриятларни мутлақлаштиришга уриниш. Бунда «эркин ҳаёт» ниқоби билан муртадлик (прозелитизм), айирмачилик (радикализм), худбинлик (нигилизм), ватансизлик (космополитизм) каби иллатларни умумий ахлоқ ғоялари сифатида тарғиб қилишга уриниш бор.

Бундай шароитда жамият ахлоқий муҳитини нима кутқариши мумкин? Бу саволга бутун дунё олимлари жавоб топишга уринмоқда. Мисол учун, файласуф олим В. Семёновнинг фикрича, бугунги жамиятнинг ахлоқий муҳитини талаб даражасида сақлаб қолиш этика фани зиммасига тушади ва бунда этика инсонни қуйидаги олти жиҳатдан ўстириш ҳамда ривожлантиришга диққат қилиши лозим:

1. Инсонни ҳаётий мақсадга ўргатиш.
2. Инсонни маънавий-ахлоқий ўстириш.
3. Инсонда ижодкорликни ривожлантириш.

4. Инсонни жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожлантириш.

5. Инсонни эркинликка ўргатиш.

6. Инсонни мақсадли тарбиялаш<sup>1</sup>.

Бу диққатга лойиқ фикр. Айни пайтда, биз жамият-тимизнинг ахлоқий жиҳатини соғломлаштириш ва сайқаллаштириб боришда маънавий идеал омилига таяниш асосий масала деб, ҳисоблаймиз. Унга кўра, маънавий идеал инсонда Эзгулик, Эътиқодлилиқ ва Эркинлик фазилатларини таркиб топтириш билан уни маънавий поклайди, ахлоқий ўстиради, бағрикенглик ва биродарлик руҳида тарбиялайди. Маънавий идеал инсонга ўзлигини танитиш воситасида жамоа ахлоқини нормаллаштиради ва бутун жамият ахлоқий муҳитининг мўътадил сақланишига омил яратади. Маънавий идеал жамият ахлоқий муҳитини эзгу мақсад сари йўналтиради, жамият аъзоларини эътиқодли қилиб тарбиялайди ва уларни ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан фаоллаштиради. Чунки маънавий нормалар, маънавий қадриятлар ва маънавий фазилатлар инсонни ёвузликдан, эътиқодсизликдан ва мутеликдан сақлайди.

Жамият маънавий-ахлоқий муҳитига маънавий идеалнинг таъсирига доир бир неча ижтимоий-ахлоқий тажрибаларни кузатиш мумкин. Бу борада диққатингизни Абу Наср Форобий (873–950) ва Иммануэль Кантнинг (1724–1804) ушбу масалага доир концепцияларига тортамиз.

Форобийни жамият ахлоқий муҳити жуда кўп қизиқтирган. У бу борада Бахтга етишишни («ас-саодат») энг асосий ахлоқий идеал сифатида танлайди ва асосий эътиборни инсонни маънавий жиҳатдан шакллантириб, фозил, яъни фазилатли инсон даражасига етказишга қаратади<sup>2</sup>. У назарда тутган жамият фазилатли инсонлар уюшмасидир ва шу сабабли бундай жамият «фозил

<sup>1</sup> В. С. Семёнов. О перспективах человека в XXI столетии. // Вопросы философии. Москва, 2005, № 9, 27-б.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Т., «Ёзувчи», 2001, 12-б. Араб тилидан М. Қодиров таржимаси.



жамият» деб аталади. Аксинча, ноинсоний иллатларга чулганган инсонлар «жоҳил одамлар» деб аталади ва бундайларнинг жамияти ҳам «жоҳил жамият»дир.

Шундай қилиб, Форобий наздида улуғ маънавий-ахлоқий идеал бўлган «бахтга эришишнинг бирдан-бир йўли эзгу ишларни яхши ниятлар билан бажариш ва фазилатли амалларга таяниш билан разолат ва бахтсизлик келиб чиқариши мумкин бўлган ишлардан ўзини тия билишдадир»<sup>1</sup>. Демак, Эзгуликни мақсад деб билиш инсонда яхши ният ва яхши ишлар қилиш фазилатини шакллантиради. Яхши ният, яхши ҳаракат ва яхши амал (фаолият) разолат, жаҳолат ва бахтсизликдан чекинтиради. Бундай қараш «Авесто» ғоясини эслатса-да, лекин унда «Авесто» ғояларини ривожлантириш ва Платон, Аристотель қарашларини миллий-ахлоқий қонуниятлар асосида қайта ишлаш мавжуд. Шу маънода файласуф олим М.Қодиров мана бу фикрида ҳақ: «Форобий машҳур юнон мутафаккирларининг ишлари билан яхши таниш эди. Аммо у юнон олимларининг (ва миллий ахлоқий меросни ҳам — М. Қ.) шундайлигича қабул қилмай, исломий (ва миллий ахлоқий — М. Қ.) нуқтаи назардан қайта ишлаган»<sup>2</sup>. Зеро, Форобий наздида, «бахт яхши фаолият ва эзгу фазилат билан узвий боғлиқдир»<sup>3</sup>. У бунинг учун инсон ахлоқ назариясига оид куйидаги тушунчаларнинг маъносидан хабардор бўлиши лозимлигини уқтиради: яхшилик ва ёмонлик, назарий ва амалий ахлоқ, бахт ва бахтсизлик, ирода ва иродасизлик, фазилат ва жаҳолат, нуқсон ва камолот, лаззат ва алам. Шу тариқа Форобийнинг Бахтга етишишга доир маънавий-ахлоқий идеали инсонни ахлоқий қадриятлар воситасида камолотга етказишни назарда тутди. Энг муҳими — бунда инсонни ақлий ва руҳий жиҳатдан уйғун ривожлантиришга урғу берилади. Чунки, Форобийнинг фикрича, «эзгуликни англаш фаол ақл воситаси-

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Т., «Ёзувчи», 2001, 12-б. Араб тилидан М. Қодиров таржимаси.


<sup>2</sup> М. Қодиров. Изоҳлар. // Форобий. Кўрсатилган манба, 35-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. 12-б.



да, эзгуликнинг олий мақсади бўлган Бахтга эришиш эса руҳ воситасида камолотга етилади»<sup>1</sup>. Бу бугунги кун учун ҳам муҳим тезисдир. Негаки, маънавий идеалнинг жамият ахлоқий муҳитига ижобий таъсирини ошириш учун инсонни ақлий ва руҳий жиҳатдан тенг ривожлантириш лозим бўлади.

Фаробий инсоннинг маънавий-ахлоқий идеал асосида камолотга етказиш «маданий ҳаётда босқичма-босқич кечиши»ни таъкидлаб, уни мана бу тартибда белгилайди (пастдан юқорига):



Бизнинг фикримизча, бу концепция бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Жамиятимизда маънавий идеални шакллантиришда бу босқичли (тадрижий) тизимдан фойдаланиш мумкин. Чунки бизнинг маънавий идеал гоёмиз ҳам жамиятимиз аъзоларини эзгулик, эътиқодлилиқ ва эркинлик воситасида Бахтли ҳаёт кечиришга йўналтириш, бу йўлда уларни илмли, касбли ва яхши фаолият эгаси қилиб вояга етказиш, охиросида инсонни абадийликка дахлдор этишни назарда тутади.

<sup>1</sup> **Абу Наср Фаробий.** Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Т., «Ёзувчи», 2001, 13-б. Араб тилидан М. Қодиров таржимаси.

Иккинчи бир файласуф Иммануэль Кант эса эзгулик ғояси воситасида инсонда эътиқод ва эркинлик қадриятига асосланган маънавий-ахлоқий идеални шакллантириш, бунинг воситасида «ахлоқий жамият қуриш» концепциясини илгари суради<sup>1</sup>. У шундай дейди: «Инсоний жамиятда асосийси ички ишончнинг (яъни эътиқоднинг — М. Қ.) ҳолатидир, бу ҳолат ҳар бир кишининг ўз фикрида сидқидил бўлишини тақозо этади ва сидқидилликсиз инсонлар муносабати мазмун касб этмайди»<sup>2</sup>. Демак, соғлом эътиқод инсонда садоқат ва ростгўйлик фазилатларини ҳосил қилади, бу фазилатлар кишини соғлом фикрли бўлишига олиб келади, соғлом фикрли кишиларнинг ўзаро муносабати мазмун касб этади. Демак, инсон фақат соғлом фикр билангина яхши муносабатга киришиши мумкин, акс ҳолда жамият ҳаёти ахлоқли бўлмайди. Бунинг учун инсонда икки сифат устувор бўлиши керак:

1. Ўзини тутиш.

2. Яратиш.

Бунинг маъноси шуки, инсон эътиқодли бўлса, номақбул истаклар, хоҳишлар, хатти-ҳаракатлар ва ўзгалар манфаатларига дахл қилишдан ўзини тияди. Аксинча, ўзи ва ўзгалар учун эркинлик яратади. Шу маънода инсон ўзгалар ахлоқи ва хатти-ҳаракатини гапиришдан ўзини тийиши лозим, аксинча, инсон ўз хулқи ва хатти-ҳаракатига ҳакамлик қилиши керак. Кант дейди: «Ўзгаларнинг ахлоқий кайфиятини (аҳволини) фақат Худо муҳокама қила олади, мен ўз маънавий дунёим учун ўзим ҳакам бўлишим мумкин, холос. Зеро, биз ўзгаларнинг ахлоқий аҳволини муҳокама қила олмаймиз, инсоннинг ички кайфиятини инсон муҳокама қила олмайди, бироқ инсоннинг ахлоқий қиёфасини муҳокама қила оламиз»<sup>3</sup>. Демак, ҳеч бир инсон маънавий-ахлоқий етукликда комиллик даво қила олмайди — у

---

<sup>1</sup> И. Кант. Лекции по этике (1780–1782). // Этическая мысль. Научно-публицистические чтения. Тексты, М., «Ипл», 1990, 297–322-б.

<sup>2</sup> Ўша манба. 297-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. 302-б.

қаердан билади ўзининг ахлоқий етуклигини?! Инсоннинг маънавий-ахлоқий етуклигига ўзгалар баҳо беради ва бу инсоннинг ахлоқий қиёфасини жамият эҳтиёжларига мослаштиришдир. Бинобарин, инсоннинг ахлоқий камолоти ундаги ёмон қилиқларнинг, иллатларнинг йўқолиб бориши билан боғлиқ. У ўзини ўзи қанчалик бошқариб, ақл ва ахлоққа асослаган сари шунчалик ҳалолликка, оқилликка, инсонийликка эришади. Кишиларнинг ахлоқий камолотга эришишида нафси тийиш, унинг қулига айланмаслик муҳим аҳамиятга эга. Муайян носоғлом муҳитнинг юзага келиши ва инсон ахлоқ-одобининг емирилиши ғаразгўйлик, ёлғончилик, тамагирлик ва ўз қадр-қимматини унутиш каби қатор иллатларга бориб тақалади. Шу ўринда бир мисол. Бугунги жамиятимизда баъзи мутаассиб оқимлар ўз гуруҳидагиларни «чинакам эътиқодли» ва уларнинг гуруҳига кирмовчиларни «эътиқодсиз» деб ҳисоблашади<sup>1</sup>. Оддий ахлоқ нуқтаи назаридан шундай савол туғилади: бундайлар ўзларининг чинакам эътиқод эгаси эканлигини қаердан билишади? Улар ҳақиқатан ҳам чинакам эътиқодли бўлсалар, нега ўзгаларнинг эътиқодига дахл қиладилар? Бу хатти-ҳаракатлар оддий ахлоқ нормаларига тўғри келадими? Демак, инсоннинг маънавий идеалга эга бўлмаслиги албатта жамият ахлоқий муҳитини бузади. Бунда инсоннинг ўз ахлоқини мутлақлаштириш воситасида ўзгаларнинг маънавий фазилатларига дахл қилиш юзага қалқиб чиқади.

Кант жамият ахлоқий муҳитини бузувчи иллатларга диққатни қаратади. Бу борада у ахлоқий поклик, оқиллик, бағрикенглик ва биродарлик фазилатларига дахл қилувчи иллатлар ҳақида гапиради. У дейди: «Кимки ахлоқий манманлик билан ўзганинг оқиллигига дахл қилар экан, у муттаҳамдир ва у билан баҳсга киришишнинг ўзи азоб. Шундай киши тоқатли ҳисобланадики, унга зарар етса ҳам сабр қилади, ўринсиз баҳсдан қочади. Тоқатлилик, сабр-қаноатлилик бу ўзига хос бағри-

---

<sup>1</sup> А. Гударзи. Хизб-ут-тахрир ал-ислами: мифы и реальность. Книга первая, Т., «Фан», 2005.

кенгликдир. Кимки ўзганинг етуклигини тан олмас экан, у бағрикенг эмас. Жамиятда жуда кўп тоқатсизлар учрайди, чунки улар ўзгаларга тоқат қила олмайдилар ва шу сабабли ўзлари ва ўзгалар учун азоб келтирадилар. Шу ўринда тоқатлилик бутун инсоният учун бурч эканлиги келиб чиқади. Ҳамма одамларга камчиликлар хос, шу сабабли улардан биттаси тоқатли бўлиши керак. Бағрикенглик диний маънода диний эътиқодда мўътадил ахлоқли бўлишни англатади ва тоқатсизлик эса эътиқодда ўзгалар комиллигини кўролмасликни билдиради»<sup>1</sup>.

Зеро, Кант жамият ахлоқий муҳитини бузувчи иллатларга қарши етук инсонларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини қарши қўйишни илгари суради. Бугунги кунда ҳам бу қарашлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Маълум бўладики, маънавий идеалнинг жамият ахлоқий муҳитига таъсири масаласида тажрибавий парадигмалар мавжуд. Бу борада биз Форобий ва Кант концепцияларидан бугунги кунда фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Маънавий идеалнинг жамият ахлоқий муҳитига таъсири кучли бир тарзда кечади. Чунки маънавий идеал ҳар бир жамиятга янги тушунчалар, ғоялар, фикрий уйғонишлар ва ахлоқий мезонларни тақдим қилади. Шарқ ва Ғарб олимлари изчил равишда маънавий идеални жамият ахлоқига таъсири тўғрисида фикр билдириб келишган. Албатта, уларда айнан «маънавий идеал» сўзи учрамайди ва бу тушунча «инсон камолоти», «ахлоқий етуклик», «орзу-умидлар мажмуи», «руҳий-маънавий тўлақонлик» каби бир қатор тушунчалар билан ифодаланган. Бу борада яна Абу Наср Форобий билдирган фикр-мулоҳазалар асослилиги билан диққатни тортади<sup>2</sup>.

Форобийнинг фикрича, инсон ўз-ўзича бахтли бўла

<sup>1</sup> И. Кант. Лекции по этики. 305-6.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри, Т., «Ёзувчи», 1993. Бахт, саодат ва камолот ҳақида, Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Рисолалар, Т., «Фан», 1972.

олмайди, у бахтли бўлиши учун жамият унга маънавий идеал унсурларини тақдим қилиб бориши керак. Бунинг учун аввало одамларни ахлоқий жиҳатдан фозиллаштириш даркор. Демак, одамларни фозиллаштириш учун қуйидагиларни билиш лозим:

1. Кишини туйғу қуввати озиқлантиради ва туйғу хаёл суришга туртки беради.

2. Хаёл тафаккурни ҳосил қилади.

Кишидаги энг бирламчи қувват туйғудир. Туйғуси ўлган киши ақлий-руҳий жиҳатдан ривожланмайди. Шу сабабли Форобий «Туйғу хаёлнинг, хаёл тафаккурнинг манбаи» бўлишини уқтиради. Одамлар ўз туйғуларини авайлаши керак, бу билан хаёл суришга йўл очилади, хаёл туфайли фикрлаш ва англаш келиб чиқади.

Форобий бу уч туйғуни тарбиялашни уқтиргач, энди қалб ва мияни тушунтиради. Унингча, «Қалб баданнинг ҳеч бир аъзосига бўйсунмайди, мия ҳам шундай. Лекин у фақат қалбга бўйсунди»<sup>1</sup>. Чунки қалб туйғулар, ҳислар ва сезгилар макони бўлиш билан инсоннинг бутун вужудини бошқаради ва мия ҳам ундан қувват олади. Форобий миянинг қалбга бўйсунушини таъкидлаш билан маънавий идеал манбаи ақлда эмас, руҳий туйғуларда эканлигига ишора қилади. Демак, туйғуларни тарбиялаш билан маънавий идеал ҳосил қилиш мумкин ва бу ҳол ахлоқий фазилатларни ўзликда таркиб топтиришга олиб келади.

Зеро, Форобий одамларни фозиллаштириш учун уларни ботиний тарбия қилишни қатъий таъкидлайди. Шунда киши етук шахс бўлиб етишади. Жамиятда бундай одамлар кўпайса, жамият фозиллашади. Биз Форобийнинг тарбия усулида психо-физиологик методнинг устувор бўлганлигини кўрамиз.

Фозил жамият табиий равишда фозиллашиб боришга эҳтиёж сезади. Форобий бунга диққатни тортиб, фозил жамият «ҳокими Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўй-

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., 1993, 152-б.

сунмаслиги керак», — дейди. Демак, Форобий фозил кишига тўлиқ эркинлик бериш тарафдори. Чунки Форобий фозил инсон қуйидаги ўн икки фазилатга эга бўлишини уқтиради:

1. Тўрт мучаси соғлом бўлиши.
2. Фаросатли бўлиши.
3. Хотираси кучли бўлиши.
4. Заковатли бўлиши.
5. Нотиқ бўлиши.
6. Билимли бўлиши.
7. Барча нарсадан кўзи тўқ бўлиши.
8. Хақгўй ва одил бўлиши.
9. Донишманд ва ориятли бўлиши.
10. Нафсини енга оладиган бўлиши.
11. Адолатпарвар бўлиши.

12. Қатъий ҳукмли бўлиши. Бундай фазилатларга эга шахс инсонийлигини суиистеъмол қилмайди, Оллоҳдан кўрқади ва унинг бу туйғуси фозил шахс бўлиб етишишга олиб келади. Айни пайтда, Форобий бундай фазилатларнинг барчасини мужассам этган одамни топиш баъзида мушкул бўлишини таъкидлайди ва шундай ҳолатда ушбу фазилатларнинг «беш-олтитаси бўлган одамни етук деб ҳисоблаш мумкин»лигини айтади<sup>1</sup>. Умуман олганда, Форобий жамият кишиларида қуйидаги ахлоқийликни кўришни истади: донишманд, қонун ва тартибларга риоя қилувчи, қонунлар ихтиро қилувчи (ташаббускор) ва муаммоларни ўз вақтида ҳал қилувчи, соғлом ва нотиқ бўлишни. Демак, Форобийнинг фикрича, бу фазилатлар кишида маънавий идеални ҳосил қилади ва натижада шахс мақтовга сазовор ахлоқий фазилатларни эгаллайди. Аҳолининг нисбатан кўпчилиги бундай фазилатлар эгаси бўлса, жамият фозиллашади, яъни фазилатлар соҳиби бўлмиш инсонларнинг жамияти таркиб топади. У фозил жамият ғоясига «жоҳил жамият» (қусурли ҳаёт) ғоясини зид қўяди.

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. 1—53-бетлар.

Унинг фикрича, жоҳил кишилар қусурли жамиятни ташкил қиладилар. Бундай жамиятда қуйидаги иллатларнинг авж олишини таъкидлайди:

1. Жаҳолат кўпаяди.
2. Разолат ва бадбахтлик ошади.
3. Обрўпарастлик бошланади.
4. Амалпарастлик авж олади.
5. Шаҳватпарастлик воқеликка айланади.
6. Беномуслик одат тусига киради.
7. Беқарорлик ва бебурдлик удум бўлади.
8. Тўғри йўл йўқотилади<sup>1</sup>.

Маълум бўладики, бунда жамиятнинг ахлоқий муҳити масаласи долзарб қилиб қўйилган. Унингча, фозил жамият инсон бахтининг калитидир. Умуман олганда бундан минг йил аввал Форобий тақдим этган жамият лойиҳаси биз учун битмас-туганмас чашмадир. Зеро, Форобий каби файласуфлар маънавий идеал жамият ахлоқий муҳитига бирламчи омил сифатида таъсир кўрсатишини алоҳида уқтиради. Шуниси диққатга сазоворки, бу масала миллий фалсафамизда таълим-тарбия масаласи билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, маънавий идеалга эга шахслар кишиларни тез ўзига жалб қилади ва уларга кўтаринки руҳ бағишлайди. Мутахассислар бундай шахсда бағрикенглик, аниқлик ва атрофга диққат билан муносабатда бўлиш фазилати бўлишини қайд этадилар<sup>2</sup>. Бундан ташқари, маънавий идеалга эга шахсда эзгулик маънавий-ахлоқий фазилатлар билан уйғунлашиб кетади. Бундайлар ўзгаларни тортиш қувватига эга бўлади. Шарқ ахлоқий таълимотларидан бўлган тасаввуфда шахсдаги бу ҳолат «*жазба*» (ўзига тортиш) деб аталган. Унга кўра, маънавий идеал шахсни мақбул даражадаги кишига айлантиради ва бундай шахс ўзгаларни ғояси, ахлоқи

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. 159–160-бетлар.

<sup>2</sup> Н. А. Бердяев. Философия свободы. М., «Проспект», 2004, 60-б.



ва хатти-ҳаракати билан ўзига жазб этади (тортади). Баҳоуддин Нақшбанд шундай дейди: «Ихтиёр бизда, агар хоҳласак кишига жазба орқали таъсир қиламиз»<sup>1</sup>. Бундан шундай хулоса келиб чиқади:

1) маънавий идеалга эга шахс жамият аъзоларига ўз етуқлиги билан таъсир кўрсатади;

2) бундай шахс жамиятга сабоқ бериш билан ҳам таъсир кўрсатади.

Биринчи таъсир кўрсатишда шахснинг маънавий-ахлоқий фазилатлари муҳим ўрин тутса, иккинчисида эса унинг дунёқарашини асосий роль ўйнайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам шахснинг жамият маънавий-ахлоқий муҳитига таъсири ижобий бўлади.

Маънавий идеалга эга шахс жамиятга таъсир кўрсатишда ўз салоҳияти, ақли ва жамоатчилик билан киришимлилигига асосланади. Шахс ўз қувончлари, ютуқлари ва дарду изтиробларини жамоа билан баҳам кўришни истайди. Бундайлар кўтаринки руҳиятга, хушчақчақликка, ҳаётсеварлиликка ва мустаҳкам иродага эга бўладилар. Мутахассислар маънавий идеал эгаси бўлган шахсларнинг жамиятга ўз иродаси, қатъийлиги ва жасурлиги билан таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар<sup>2</sup>. Бундайларнинг иродаси кучли, хатти-ҳаракати ҳам ишончли ва иши матонатли бўлади. Шу сабабли жамоа уларга интилади.

Маънавий идеалга эга шахслар жамият маънавий-ахлоқий муҳитига муайян темпераментга эга бўлганлиги билан ҳам таъсир кўрсатади. Бу борада уч характери хусусиятни таъкидлаб кўрсатиш лозим:

1. *Холерик* характерга эга шахс ҳис-туйғули ва қатъиятли бўлади. Бундайларда жуда кучли қувват ва мослашиш кўникмаси мавжуддир. Улар одамларни тез жалб қила олади, руҳий завқ бағишлайди, ёмонликларни ёмон кўради.

<sup>1</sup> **Муҳаммад Боқир.** Мақомоти Хожа Нақшбанд (Баҳоуддин Балогардон). Т., «Ёзувчи», 1993, 77-б.

<sup>2</sup> **П. Рикер.** Справедливое. М., «АСТ», 2005, 40–65-бетлар.



2. *Флегматик* характерга эга шахс босиқ бўлади. У табиатан кучли шахс бўлиб, унинг одамларга муносабати мўътадил ва босиқ бўлади.

3. *Меланхолик* характерга эга шахс эса заиф бўлиб, ўзи билан ўзи андармон бўлади, ҳис-туйғуларини яширади, жамоага на ижобий, на салбий таъсир кўрсатади. Ўзини панада тутишни афзал деб билади.

Бизнинг назаримизда, маънавий идеалли шахс холерик ва флегматик характерларга эга бўлади. Шу сабабли у жамоа орасида ярқ этиб кўзга ташланиб туради.

Австриялик олим З. Фрейд одамларни икки гуруҳга бўлади: 1) *биофил кишилар*, бундайлар кишиларни ҳаёт завқини суриб яшашга бошлайди; 2) *никрофил кишилар*, бундайлар кишиларда ўлик ва иштиёқсиз руҳни таркиб топтиришга уринадилар. Биз талқин қилаётган маънавий идеалли шахс биофил киши ҳисобланади ва шу сабабли у жамоа ёки гуруҳни оптимистик руҳ сари бошлайди. Бунинг акси бўлган кишиларнинг ижтимоий – маънавий мақсади, идеали ва жамоа ҳаёти билан қизиқиши бўлмайди. У бир хиллик ҳаётига ўрғанади, ўзи билан ўзи умргузаронлик қилишга ўтади. Шу маънода маънавий идеалли шахсларни вояга етказиш жамият маънавий-ахлоқий муҳитини соғломлаштиришдаги муҳим воситадир.

Зеро, маънавий идеал жамият маънавий-ахлоқий муҳитига инсонни камолотга ундаш, умумий биродарлик руҳини таркиб топтириш ва ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш воситалари асосида кириб боради ва албатта маънавий-ахлоқий муҳитга бир неча хислатлари орқали таъсир қилади.

Буларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. *Принципиал таъсир кўрсатиш*. Бунда шахс ўзгаларга ёки ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳга сўз ва иш бирлигига эгалиги билан таъсир кўрсатади. У ўз сўзининг устидан ҳамиша чиқади ва қилаётган иши сўзига мос бўлади.

2. *Ҳоявий-ахлоқий таъсир кўрсатиш*. Бунда шахс ўз ин-

соний фазилатлари билан ижтимоий гуруҳдаги муҳитни ижобий томонга буради. Гуруҳда яхшилик, инсонийлик, меҳнатсеварлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш элементлари таркиб топа боради.

3. *Ижтимоий фаоллик билан таъсир кўрсатиш.* Бунда шахс ишга масъулият билан ёндашади, ўзгаларга ғамхўрлик қилади, меҳнат интизомига ва фаолликка риоя қилади. Натижада гуруҳ ҳам унга нисбатан муносабатга кириша бошлайди.

Маънавий идеалга эга шахс одамлар ва гуруҳлар орасидаги муносабатларда ибрат бўлади, унинг маънавий-маданий қиёфаси ўзгаларни жалб қилади. Аксинча, маънавий идеал шаклланмаган шахсда: ғоясизлик, ахлоқсизлик, худбинлик, интизомсизлик, мансабпарастлик каби салбий хусусиятлар бўртиб туради. Шу маънода шахснинг маънавий идеали умумжамоавий муҳитдан ташқарида бўлмайди. Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитига шахснинг ижобий таъсир кўрсатиши учун унинг маънавий дунёсида қуйидаги фазилатлар таркиб топиши керак:

1. Ҳаётсеварлик.
2. Хушхулқилик.
3. Кўтаринки руҳлилик.
4. Кўникмалилик.
5. Малакалилик.
6. Тажрибалилик.

Бундай шахслар ўз ижтимоий гуруҳи ва жамоасини худди шундай фазилатларга эга бўлишга ундайди. Чунки ахлоқий, тафаккурий ва амалий жиҳатдан етук шахсга ўзгалар ишонади, унга эргашади ва маънавий етукликда «тақлид» қилади. Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити маънавий идеал воситасида йўналтириб борилиши керак. Чунки жамият ривожланиб борган сари унинг ахлоқий тизими ҳам ўзгаришларга эҳтиёж сезиб боради. Шу маънода шахс «жамият эҳтиёжларига кўра ахлоқий жиҳатдан сақланиб борса, у ижтимоийлашади»<sup>1</sup>. Ҳозирги ривожланиш босқичида жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий муҳитини баъзи кучлар томонидан

<sup>1</sup> К. Х. М. Клакхон. Зеркало для человека. Введение в антропологию. Спб., «Евроазия», 1998, 229-б.

бузишга ингилишлар борлиги сир эмас. Бундай уринишлар шахснинг маънавий идеалини нотўғри шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Назаримизда, бунда қуйидагилар кўзга ташланмоқда:

— шахс онгида мутаассиблик туйғусини ҳосил қилиш;

— шахсда ишончсизлик руҳини уйғотиш;

— шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфасини бузиш.

Бундай салбий иллатларга қарши курашда маънавий идеалга эга шахс муҳим роль ўйнайди. Бунда, бизнингча, шахс қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. *Жамоавий этикани шакллантириш.* Маънавий идеал эгаси бўлган шахс жамоада ўзаро эшитиш, тушуниш, тўғри қабул қилиш ва ўзаро муносабатларда киришимлилик ахлоқини ҳосил қилади.

2. *Далил этикасини шакллантириш.* Шахс жамоада руҳий бирлик, фикрни асослаш ва ўзаро ҳурмат қадриятларини таркиб топтиради.

3. *Нуқтаи назар этикасини шакллантириш.* Шахс жамоада ҳар бир кишининг ўз нуқтаи назарини эркин баён қилиш, умумлашма фикрларга келиш ва бир ёқадан бош чиқариш руҳини ҳосил қилади.

4. *Танқид этикасини шакллантириш.* Шахс жамоада ўзаро самимий танқид қилиш, ютуқ ва камчиликларни очиқ кўрсатиш, ўзаро ёрдам бериш ҳиссини юзага келтиради.

5. *Йўналтириш этикасини шакллантириш.* Шахс жамоани умуммақсад сари йўналтиради ва бунда ҳар бир кишининг манфаати акс этишини асослаб беради.

6. *Келишувчанлик (муроса) этикасини шакллантириш.* Шахс жамоани ҳар қандай мураккаб шароитда мақбул йўл топишга уюштира олади. Бунда жамоа ўзаро тушунмовчилик сабабларини аниқлайди, уни бартараф этиш йўллариини излайди ва муаммо ҳал этилгач, жамоа янада жипслашади.

Зеро, маънавий идеалнинг жамият маънавий-ахлоқий муҳитига таъсири шахс воситасида кечади. Маъна-

вий идеалга эга шахс уни ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Бунинг учун ушбу уч восита муҳим ўрин тутди:

1. Ишонтириш.
2. Таъсир кўрсатиш.
3. Ибрат бўлиш.

Бу ҳолни схематик тарзда қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

#### Шахснинг жамиятга маънавий-ахлоқий таъсир воситалари



Маънавий идеалнинг жамият маънавий-ахлоқий муҳитига таъсири масаласида, таъкидлангандек, миллий фалсафамиз тарққиётида ўзига хос амалий тажрибалар мавжуд. Шундай тажрибалардан бири сифатида Фалсафа қомусий луғатида *футувватчилик* (биродарлик) ҳаракатига ишора қилинган<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, футувватчилик ҳаракати маънавий идеалнинг ўз даврида (ўрта асрларда) ўзига хос ама-

<sup>1</sup> Фалсафа: қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. Т., «Шарқ», 2004, 147-б.

лиёти сифатида намоён бўлган ва бу ҳаракатнинг гоёлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Алишер Навоийнинг садоқатли шогирди Ҳусайн Воиз Кошифий (XV аср) бу ҳаракат тўғрисида батафсил маълумот берган ва ҳозирги кунда ҳам бу ҳаракатнинг гоё, маслак ва ахлоқий хусусиятларидан жамиятимиз маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштиришда тажрибадан ўтган амалиёт сифатида фойдаланиш мумкин. Воиз Кошифийнинг уқтиришича, футувват бу «инсоннинг руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ва эзгу хулқатворли қилиб вояга етказишдир»<sup>1</sup>. Бундай тарбия икки асосда олиб борилади:

1) инсон хулқи яхши фазилатлар билан безалади;

2) ўз гуруҳи (тоифаси) орасида ҳурматли шахсга айлантирилади.

Бундан мақсад инсонни «элдан яширин бирор иш қилмаслик ва ҳамма одамлар билан хушфёъликда яшашга ўргатишдир»<sup>2</sup>. Диққат қилинса, бу ўринда маънавий идеалнинг негизи сифатида **инсонни ахлоқий жиҳатдан умумжамиятга хос бўлган ахлоқ қоидаларига мослаштириш** танланмоқда. Чунки «элдан яширин иш қилмаслик» бугунги кунда ошкоралик, демократия ва одамлар билан, дунё аҳли, миллатлар, гуруҳлар, табақалар билан ўзаро хушфёъликда, ахлоқий қонун доирасида яшаш ижтимоий ахлоқ, дея аталади. Айни пайтда, футувватчилар «одамларнинг меҳру муҳаббатини эзгу хулқ билан қозониш мумкин», деган гоёга амал қилганлар<sup>3</sup>. Бу ҳол бугунги кунда обрў, имиж деб аталмоқда. Муҳими шундаки, фақат ахлоқ эгаси бўлиш билангина жамият маънавий-ахлоқий муҳитига таъсир этиш мумкинлигини футувват аҳли ўз фаолиятида исбот қилиб берганлар.

Футувват ҳаракатининг вакиллари ўзларини жами-

---

<sup>1</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний. Т., 1994, 7-б. Форс-тожик тилидан Н. Комилов таржимаси.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 8-б.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

ятнинг энг илғор ва ахлоқли кишилари деб ҳисоблар эдилар. Бу вакиллар таркибини зиёлилар, олимлар, дарвишлар, меҳмонхона ва ҳаммом хизматчилари, савдогарлар, хизматкорлар, сахий бойлар, қиссахонлар, паҳлавонлар, томоша кўрсатувчилар кабилар ташкил қилар эди<sup>1</sup>. Бу ижтимоий тоифалар ҳар бирининг риоя қиладиган ахлоқ қоидалари бўлган. Айни пайтда, футувват аҳли умумий бўлган 6 та ташқи ва 6 та ички, яъни жами бўлиб 12 та ахлоқ қоидасига қатъий риоя қилган. Бу қоидалар қуйидагилар:

**1. Ташқи ахлоқ қоидалари:**

- гийбат ва ёлғон сўзламаслик;
- бўҳтон сўзлардан қулоқни беркитиш;
- кўзни ножоиз нарсаларга тикмаслик;
- ножоиз нарсаларни тутмаслик;
- ножоиз жойларга оёқ босмаслик;
- ҳаром овқатни оғизга олмаслик<sup>2</sup>.

Демак, тил, қулоқ, кўз, қўл, оёқ ва оғиз одобларига риоя қилиш ахлоқда ташқи фазилятлик ҳисобланади.

**2. Ички ахлоқ қоидалари:**

- ҳаммага саховат кўрсатиш;
- хоксор бўлиш;
- қаноатли бўлмоқ;
- гурурланмаслик;
- очкўз бўлмаслик;
- ҳаммага яқин бўлмоқ.

Диққат қилинса, ички ахлоқ қоидалари ирода, матонат, шижоат, жасурлик ва мардлик фазилятларини шакллантиришга йўналтирилган. Шудай ёндашувлар асосида футувват аҳли ўз ахлоқий қоидаларини етмишдан тўрт юзтагача етказганлар. Бироқ гап рақамда эмас. Шуниси диққатга сазоворки, футувват аҳли ўзларининг

---

<sup>1</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний, Т., 1994, 45–102-бетлар. Форс-тожик тилидан Н. Комилов таржумаси.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 10–11-б.

ахлоқ кодексини ишлаб чиққан эдилар ва ушбу кодексга риоя қилиб, жамиятни тамаддунга бошлашганди. Улар «мазлумларни золим шоҳлар, маҳаллий ҳокимлардан ҳимоя қилиш, муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатишдан ташқари, уюшиб ташқи душманларга қарши курашганлар ҳам»<sup>1</sup>.

Маънавий идеалнинг бу типик миллий тарихий тажрибаси бугунги жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштиришда муносиб ўрин тутиши мумкин. Бу тажриба бизга учта сабоқни беради:

1. Жамиятда мақсадли маънавий-ахлоқий тарбияни изчил олиб бориш.

2. Маънавий-ахлоқий тарбияда инсоний ғояларни бирламчи билиш.

3. Ҳар кимнинг ўз касби билан шуғулланишига эришиш.

Маънавий идеалнинг жамиятга нисбатан бундай таъсири натижасида цивилизациявий жамиятга интилиш бор, холос. Унда инсон ва жамиятни иллатларга, чекланишларга даъват қилувчи вайронкор ғояларга дуч келмаймиз. Зеро, маънавий идеал жамият маънавий-ахлоқий муҳитига уч жиҳатдан таъсир қилади: яъни ғоя билан, фикр билан, амалиёт билан. Бу таъсир кўламини тўғри англаш тараққиётда маънавий идеалдан унумли фойдаланишга олиб келади.

Шундай қилиб, маънавий идеалнинг жамият маънавий-ахлоқий муҳитига таъсири ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Таъкидланганлардан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

**Биринчидан**, маънавий идеал жамиятда шахсни камолотга етказиш, умумий биродарлик руҳини таркиб топтириш ва умумижтимоий тарбияни олиб боришни тақозо этади. Унинг жамият маънавий-ахлоқий муҳитига таъсири *Ахлоқий Баркамол Шахс* воситасида ке-

---

<sup>1</sup> Н. Комилов. Мардлик дастури. // Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний. Сўзбоши ўрнида, 4-б.



чади. Бундай шахс ўзгаларга ғоявий, ахлоқий ва амалий жиҳатдан ижобий намуна бўлади. Бу ҳол замонамиз қахрамонларини шакллантириш учун асос бўлади. Шу билан бирга, маънавий идеалга эга шахс воситасида жамият муаммолари ва ривожланиш йўналишлари белгилаб олинади. Бунда шахснинг етакчилик функцияси муҳим ўрин тутди ва миллий фалсафамиз тараққиётида бу борада амалий тажрибалар баён қилиб ўтилган.

**Иккинчидан**, маънавий идеал инсонга ўзлигини танитиш воситасида жамоа ахлоқини нормаллаштиради, жамият уларни эътиқодли қилиб тарбиялайди ва жамият аъзоларини ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан фаоллаштиради. Маънавий идеалнинг жамият ахлоқий муҳитига таъсири масаласида бир неча тажрибавий парадигмалар мавжуд. Бу борада айниқса Абу Наср Форобийнинг «Фозил жамият» ва Иммануэль Кантнинг «ахлоқий жамият» концепциялари диққатни тортади. Ҳар иккала концепцияда ҳам инсонни ақлий ва руҳий жиҳатдан уйғун ривожлантириш ва бу билан жамият ахлоқий муҳитини бахтга йўналтириш назарда тутилади.

**Учинчидан**, маънавий идеал жамият ахлоқий муҳитини соғломлаштириб боровчи фазилатлар тизимини тақдим қилади ва жамият ахлоқий муҳитида иллатлардан сақловчи ахлоқий иммунитетни шакллантиради. Шу маънода маънавий идеал жамият ахлоқий муҳитининг нажоткор табибидир. Зеро, маънавий идеалнинг жамият ахлоқий муҳитига таъсири ўзига хос хусусиятларга эгадир.

### **3-ФАСЛ. МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ РИВОЖИ**

Демократик жамият ўзининг мақбул асосларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бундай жамиятнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

1. Қонун устуворлиги.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг аниқ белгилаб қўйилиши.

3. Давлат ва шахснинг ўзаро ҳамкорлиги.

4. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниши.

5. Қонунийлик устидан жамоатчилик назоратининг бўлиши<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамиятида бу принциплар ўз аксини топган. Жамиятимизда демократик қадриятлар уч тамойилга асосланади:

1. Фикрлар хилма-хиллиги.

2. Умуминсоний принципларнинг устуворлиги.

3. Ижтимоий адолатнинг устуворлиги<sup>2</sup>.

Бу принциплар жамиятимизда маънавий идеалнинг мавжуд бўлишини ва унинг жамият ривожига таъсир этишини тақозо қилади. Бизнинг жамиятимизда *«маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат* каби ўлмас қадриятлар асосий тизим ҳисобланади. Мана шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади»<sup>3</sup>. Шу маънода маънавий идеал демократик жамият ривожига уч муҳим вазифани бажаради:

1. Фуқароларнинг маънавий дунёсини бойитиш;

2. Фуқароларда ахлоқийликни такомиллаштириш;

3. Фуқароларнинг маърифатини ошириб бориш.

Диққат қилинса, уч элемент — маънавият, ахлоқ ва маърифат уйғунлашмоқда. Шу маънода маънавий идеал шахснинг онги (маънавият), характери (ахлоқ) ва

---

<sup>1</sup> Дж. Гелбрейт. Новое индустриальное общество. М., «Наука», 1969, 110-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003, 12, 13, 14-моддалар.

<sup>3</sup> И. Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Т., «Ўзбекистон», 2002, 14-б.

дунёқарашилини (маърифат) коррекция қилади. Бу маънавий идеалнинг демократик жамият ривожигаги функционал вазифасидир. Бу қандай амалга оширилади, деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

**1. Шахс онгини коррекциялаш.** Киши онгида миллий ғоя тарғиботи, фикрлар хилма-хиллиги, мустақил мулоҳазакорлик, мақсадлилиқ, кўтаринки руҳлилиқ, эзгулик, иштиёқлилиқ кабиларни шакллантириш шахс онгини коррекциялашдир. Россиялик мутахассислар мамлакат аҳолисининг 12–13% радикал онгга эгалигидан ташвиш чекмоқдалар<sup>1</sup>. Бизнинг кузатишимизча ва ижтимоий сўрономаларимиздан (2007 йил 1 январь ҳолатига кўра) маълум бўлишича, мамлакатимиз аҳолисининг 84,3% мўътадил, 8,4% радикал (бир фикрда қатъий туриб олиш) ва қолган 7,3% ривожланиб бораётган онгга эга. Албатта, бундай ижобий кўрсаткичга эга бўлишда бир неча омилларнинг таъсири бор:

1) давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги; 2) миллий тарбиянинг мавжудлиги; 3) жамиятнинг босқичма-босқич ривожланаётганлиги. Бу омиллар фуқароларимизнинг онгини коррекциялаб бориш имконини бермоқда.

**2. Шахс характериини коррекциялаш.** Киши хулқ-атворида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва жамоапарварлилиқ фазилатларини таркиб топтириш шахс характериини коррекциялашдир. Шахс яхшилиқ, ёмонлик, виждон, адолат, бурч, ор-номус, бахт ва ҳаёт мазмуни маъноларини англаб етса, демократик жамиятда ижтимоий фаол шахсга айланади.

Бугунги фуқароларимизнинг ижтимоий ахлоқ даражаси қониқарли ҳолатда. Сўрономамиз натижаларига кўра, аҳолимизнинг 72,3% ўзини ватанпарвар ҳисоблайди, 71% инсонпарварлик тамойилларига амал қилади, 65,2%и ҳалол меҳнат қилишни ўзининг бурчи, деб би-

---

<sup>1</sup> Вестник МГУ. Серия 12, Политические науки, 2004, № 1, 52-б.

лади ва 83,2% ўзини жамоасиз ҳис қила олмайди. Айни пайтда, жамиятимизнинг демократлашиб бориши шароитида шахс характери ни изчил коррекциялаб бориш заруратдир.

**3. Шахс дунёқарашини коррекциялаш.** Кишида мустақил фикр, қараш ва мулоҳазаларни ҳосил қилиш шахс дунёқарашини коррекциялашдир. Бунда шахсни воқеликни баҳолаш, уни англаб етиш, ижтимоий ҳаётда намуна бўлиш ва ўзгаларни тарбиялашга ўргатиш муҳим ҳисоланади. Сўровномамиз натижаларига кўра<sup>1</sup>, фуқароларимизнинг 84,4% мўътадил, 4,9% ўртача ва қолган 10,7% шаклланиб бораётган дунёқарашга эга. Бу ўриндаги «мўътадил» атамаси эркин фикрлаш, мустақил мулоҳазакорлик ва муайян қарашда қотиб қолмаслик маъносини англатади.

Зеро, маънавий идеал шахснинг онги, характери ва дунёқарашини коррекциялаш билан демократик жамият ривожидида ижобий таъсир кўрсатади. Айни пайтда, бу ҳол шахснинг ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ ҳолда кечади. Шахснинг ижтимоий фаоллиги демократик жамиятнинг асоси бўлган кучли давлатчилик шароитида кечади. Бизнинг жамиятимизда «*Кучли давлатдан кучли жамият сари*» тамойили амал қилмоқда<sup>2</sup>. Бу ўринда учта масалани аниқлаштириб олиш лозим бўлади:

1. Кучли давлат.
2. Кучли жамият.
3. Ижтимоий фаол шахс.

**Кучли давлат** — бу бозор иқтисодиёти шароитида ўз мақомига эга, бозор муносабатларини тартибга солиб турувчи ва фуқаролар фаровонлиги учун шароит яратиб берувчи давлатдир<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> 2007 йил 1 январь ҳолати бўйича.

<sup>2</sup> **И. Каримов.** Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005, 39-б.

<sup>3</sup> Государство и право. Ж, 2000, № 7, 5-б.

Кучли жамият — бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, демократик қадриятларни устувор билувчи ва инсон омилини рўёбга чиқарувчи жамиятдир<sup>1</sup>.

**Ижтимоий фаол шахс** эса бу — давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этувчи ва жамоага етакчилик қилувчи шахсдир<sup>2</sup>.

Бизнинг жамиятимизда ижтимоий фаол шахс давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Унинг фаолият доираси қуйидагича бўлади:

— одамлар онгида демократик қадриятларни таркиб топтириш;

— кишиларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш;

— ислохотлар жараёнида фаол қатнашиш;

— ўзгаришлар кўламини ўзгаларга англатиб бориш.

Маънавий идеалнинг демократик жамият ривожига таъсири *ижтимоий адолатни* ижтимоий ҳаётда таркиб топтиришда намоён бўлади. Ижтимоий адолат феномени муайян жамиятнинг талаблари асосида ривожланиб боради. Олмон олими И. Бенгам дейди: «Бахт — ҳаммага тушунарли бўлган мақсад, ижтимоий адолат эса етиб бўлмас мақсад ифодасидир»<sup>3</sup>. Ҳақиқатан ҳам ижтимоий адолат тушунчасини аниқлаб олиш маънавий идеалнинг жамият ривожига бўладиган таъсирини ойдинлаштириб беради.

Ижтимоий адолат кенг кўламли омил сифатида диққатни тортади. У эзгуликнинг аниқ шакли бўлиб, фаолиятда ягона хатти-ҳаракатга амал қилишни англатади<sup>4</sup>. Этика нуқтаи назаридан ижтимоий адолат жамиятда

<sup>1</sup> Государство и право. Ж, 2002, № 1, 12-б.

<sup>2</sup> В. Т. Афанасьев. Системность и общество. М., «Наука», 1980, 342-б.

<sup>3</sup> И. Бенгам. Всё о нравственности. М., «Просвещение», 2005, 43-б.

<sup>4</sup> О. Г. Добриницкий. Проблемы нравственности. М., «Наука», 1977, 57-б.

фаолият юритувчи шахснинг ижтимоий қиёфасини белгилайди. Америкалик олим Дж.Роулзнинг фикрича, «ижтимоий адолат шахснинг, ижтимоий гуруҳларнинг асосий лаёқатидир ва айти пайтда у ижтимоий қарашлар тизимини ҳам англатади»<sup>1</sup>. Ижтимоий адолат жамиятнинг барча соҳаларида намоён бўлади. Маънавий идеалнинг омили сифатида ижтимоий адолат жамият ривожига уч жиҳатдан таъсир кўрсатади:

1. Таъсир ҳажмига кўра.
2. Талаб ҳажмига кўра.
3. Баҳолаш кўламига кўра<sup>2</sup>.

Бундай қарашга кўра, ижтимоий адолат биринчи ва иккинчи турдаги таъсир кучига эга бўлади. У шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг миллий кадриятлар тизимида рия қилишини тақозо этади. Шу маънода ижтимоий адолатсизлик манфаатларнинг бузилишидир, ижтимоий адолат эса бу манфаатларни ҳимоя қилиш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «*ижтимоий адолат*» тушунчаси мавжуд ва у «давлатнинг фаолият» мезонларидан бири сифатида кўрсатилган<sup>3</sup>. Давлат фаолияти шахс фаолияти воситасида амалга ошишини ҳисобга олсак, ижтимоий адолат демократик жамиятнинг маънавий идеали сифатида намоён бўлади. Шу маънода шахс фаолиятини рағбатлантириш ёки жазолаш ижтимоий адолатнинг давлат (олий) даражасида намоён бўлишидир. Бу айти пайтда, ижтимоий адолатнинг баҳолаш вазифасини яққол кўрсатади. Жамиятда ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш ижтимоий интизом воситасида амалга ошади. Ижтимоий интизом бор жойда ижтимоий адолат тез рўёбга чиқади ва бунда жамият аъзоларининг


---

<sup>1</sup> А. К. Оганесян. Равенство и справедливость (концепция Дж. Роулса и Д. Белла). // Этическая мысль: научно-публицистические чтения. М., «Наука», 1990, 215-б.

<sup>2</sup> З. А. Бербишкина. Справедливость как социально-философская категория. М., «Наука», 1983, 110-б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003, 14-модда.

ижтимоий ҳамкорлик руҳида яшашига замин яратади. Ижтимоий тартиб асосида юзага келадиган ижтимоий ҳамкорлик жамиятда тенг ҳуқуқлилиқ, шериклик ва ўзаро манфаатдорлик кабиларни таъсис этади. Маълум бўладики, маънавий идеал жамият ривожига ижтимоий адолатни таъсис этиши билан таъсир кўрсатади. Бу таъсир доирасини схематик тарзда шундай тасаввур қилиш мумкин:



Маънавий идеал жамият ривожига **тўлақонли шахс-ни** вояга етказиш билан ҳам таъсир кўрсатади. Том маънодаги етук шахс тўлақонли бўлиб, у маънавий идеалларга содиқлиги билан ажралиб туради. Бундай шахснинг бир неча хусусиятларини таъкидлаб кўрсатиб ўтиш мумкин:

*Биринчидан*, тўлақонли шахс ҳаёт ўзгарувчанлигига мос равишда ўзгармайди. Унинг маънавий дунёси бойлиги сабабли у воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини тез англаб этади, турли хатоликларга кўп йўл қўймайди.

*Иккинчидан*, тўлақонли шахс ўз тақдирининг эгаси бўлади. У кўплар ичида узоқни кўра олиши билан ажралиб туради. Шахс бир бутунлик ва яхлитлик сифатида жамият аъзоларини жипслаштиради.



*Учинчидан*, тўлақонли шахс етуклиги билан ҳавас қиларли феномен ҳисобланади. Жамият аъзолари унга тақлид қилишга ва унинг етакчилигида муаммоларни ҳал қилишга киришади.

*Тўртинчидан*, тўлақонли шахс универсал хусусиятларга эгаллиги билан кўзга ташланиб туради. Унда демократлик ва қатъийлик, очиқлик ва сирлилик уйғунлашиб туради.

*Бешинчидан*, тўлақонли шахс динамик ривожланиб борувчи феномен ҳисобланади. У ҳар қандай янгиликларни тез қабул қилувчи ва жамият эҳтиёжларини тез англаб олувчи шахсдир. Маънавий идеалнинг жамиятга таъсирини тўлақонли шахс фаолияти билан боғлаб қўйиш чекланиш бўлур эди. Гап шундаки, маънавий идеал жамиятнинг, яъни одамлар гуруҳининг ўзини ҳам коррекциялаб боради. Демократик асосларга биноан ривожланиб бораётган бизнинг жамиятимизда маънавий идеалнинг таркиб кўлами кенгайиб бормоқда. Бу таркиб қуйидагилардан иборат:

— ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом вояга етказиш;

— шахсий ва оилавий бахтга эришиш;

— озод ва обод Ватан барпо этиш;

— кучли давлат ҳамда албатта кучли ва қудратли жамиятга эга бўлиш;

— ҳалол мулк соҳиби бўлиш.

Бир қарашда булар идеал орзулар бўлиб туюлади ва бу мақсадларнинг идеал хусусиятга эгаллиги жамиятнинг етакловчи кучи бўлиб хизмат қилади. Демократик жамият шу идеал орзуларни рўёбга чиқариш шароитларини яратиб бериши лозим.

Жамиятимизда турмуш тарзининг миллийлиги унинг маънавий идеалга эгаллиги билан белгиланади. Шу жиҳатдан маънавий идеал жамиятнинг тадрижий ривож учун асос яратади.

Бизнинг фикримизча, маънавий идеал демократик жамият ривож учун бир неча қадриятлар кўламини тақдим қилади. Бу қадриятлар қуйидагилардан иборат:

**1. Ижтимоий-маданий қадриятлар бўйича:**

- жамиятда миллий, маънавий ва ахлоқий асосларни сақлаш ва ривожлантириш;
- жамиятнинг илмий ва маданий потенциалини ривожлантириш.

**2. Ижтимоий-ҳуқуқий қадриятлар бўйича:**

- инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш;
- жамиятда қонунийлик устуворлигини таъминлаш.

**3. Ижтимоий-иқтисодий қадриятлар бўйича:**

- иқтисодий тармоқларнинг изчил ривожланишини таъминлаш;

– бандлик муаммосини ҳал этиш;

– фаровонликнинг маънавий асосларини яратиш.

**4. Ижтимоий-меъёрий қадриятлар бўйича:**

– саломатлик асосларини яратиш;

– жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш;

– турмуш тарзининг маънавий-ахлоқий асосларини яратиш;

– таълим-тарбия тизимини юксалтириш.


**5. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар бўйича:**

– Ўзбекистон мавқеини жаҳон миқёсида мустаҳкамлаш;

– жамиятда сиёсий маданиятни шакллантириш;

– ҳокимият устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

Демак, маънавий идеал демократик жамият учун устқурмавий асосларни яратади. Бу омилсиз демократик жамият ўз қиёфаси ва ривожланиш тамойилларига эга бўлмайди. Шуниси диққатга сазоворки, маънавий идеал демократик жамиятда яшовчи барча миллат ва элатлар учун ягона асос бўлиб хизмат қилади. Чунки маънавий идеал демократик жамият учун қуйидагича асосларни тақдим қилади:



Бу асосларсиз жамият демократлаша олмайди. Диққат қилинса, маънавий идеал конкрет ва муҳим бўлган асосларни жамиятга тақдим қилади. Бир ҳолни таъкидлаш лозим. Гап шундаки, демократик жамиятда инсон ва унинг ҳаётини дахлсиз сақлаш муҳим масала ҳисобланади. Маънавий идеал айнан шу вазифани бажаради. Бугунги кунда баъзи Ғарб давлатларида инсон ахлоқи бузилгани учун демократияга шубҳа билан қараш ҳолатлари пайдо бўлмоқда<sup>1</sup>. Бунга сабаб Ғарб демократиясида маънавий идеал ва маънавий-ахлоқий муҳит асослари иккиламчи ўрин тутишидадир.

Демократик жамиятда эркинлик ва ҳурликнинг меъеридан ортиқ даражада амал қилиши жамиятнинг ахлоқий бузилишига ҳам олиб келиши мумкин. Мисол учун бугунги Европа мамлакатлари ва АҚШда эркак ва аёлларнинг кийиниш маданиятида фарқнинг йўқолиб бораётганлиги, шаҳватпарастлик, гедонизм, катта ёшли ва кичик ёшлиларга нисбатан ҳурматсизликнинг авж олиб бораётганлиги бунинг ёрқин мисolidир. Энг хавфли томони, бу бизнинг жамиятга ҳам таъсир кўрсати-

<sup>1</sup> А. Токвиль. Демократия в Америке. М., «Проспект», 1994, 60–64-б.

ши мумкин. Айниқса, бундай ахлоқсизликлар инсон руҳиятида гедонизм ва гегемонизм психологиясининг таркиб топишига олиб келади. Фарб мамлакатларининг айрим демократик жамиятларида «яшаш фақат айш-ишратдир» (гедонизм) ва «бировнинг ҳисобига иш кўриш одатдир» (гегемонизм) мазмунидаги ижтимоий иллатлар, яъни ахлоқсизликлар урчиб бормоқда. Натижада миллий менталитетга эга жамиятларга нисбатан беписандлик билан қараш «йўналиши» пайдо бўлди. Мисол учун, энг демократик жамият ҳисобланувчи АҚШ жамиятини олайлик. Бугунги АҚШ жамияти тараққиётда либерализм фалсафасига асосланишини қайта-қайта таъкидлашни хуш кўради. Хўш, бу «америкача либерал фалсафа» нимага асосланади? АҚШ жамияти хуш кўрадиган либерализм фалсафаси ахлоқ меъёрларидан бутунлай ташқаридаги ғоялар тизимидир. Унга кўра, ҳар бир нарса эркинлик манбаи бўла олади, фақатгина Жиноят Кодексида белгилаб қўйилган баъзи эркинликни чеклашлар бор, холос. Шу тариқа дин, анъаналар ва ахлоқни жамиятдаги бошқарувчи, назорат қилувчи, умуман олганда ахлоқий тарбия каби вазифалар танлов асосида эркин қабул қилинади. Яъни «нимани хоҳласанг унга амал қил ва унга бўйсун». Бу маънавий-ахлоқий жараёнга (агар уни шундай деб аташ мумкин бўлса) инсонийлик меъёрларига амал қилиш, менталитет ва халқларнинг ўзлигини сақлаб қолиш бегона. Чунки АҚШ жамияти тушунадиган маънавият фақат *инсонниг нафсини қондириш эҳтиёжларидан иборат бўлиб қолмоқда*, холос. Бу эҳтиёж шу қадар чегараланмаганки, Жиноят Кодекси нормалари бузилмаса бўлди, қондирилаверади. Худодан кўрқиш, инсонийликни сақлаш, ахлоқ тушунчаси, ҳаромдан ҳазар қилиш, ор-номус, уят, ибо, ҳаё кабилар деярли йўқолиб бормоқда, умуман олганда Шарққа хос иерархик, адолатли табақаланиш, яъни ота-она, эр-хотин, устоз-шоғирд ўртасидаги ахлоқий муносабатларни «тенглик» ғоясининг қурбонига айлантириб юборишган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, АҚШ

жамиятига унинг отахон файласуфлари Ж. Сартрга эргашиб «мутлақ қадриятлар йўқ ва асосий муаммо инсоннинг қайси қадриятни танлаб олишидадир» деган ғояни тақдим қилишган. Бироқ бунда улар Ж. Сартрнинг «бу масалада масъулиятни унутмаслик» тамойилини олиб ташлашган. Бу жамиятнинг психологлари эса З. Фрейдга эргашиб АҚШ жамиятида «инсон учун муҳим асосий тамойил эҳтиёжни қондириш» эканлигини уқтиришган ва унда улар З. Фрейд фикрининг иккинчи қисми бўлган «жамиятнинг умум институтлари билан ҳисоблашиш» тамойилини олиб ташлашган. АҚШ жамиятининг иқтисодчилари М. Веберга эргашиб, «одамларни жуда кўп бойлик орттиришга ва харажатларни кўпайтириб боришга» даъват қилишдан ҳеч чарчашмайди, лекин улар бу масалада М. Вебер қатъий қўйган «протестантизм этикасига амал қилиш» тамойилини олиб ташлашган.

Диққат қилинг: АҚШ жамиятининг мафкурачилари *тағлимотлардан қанчалик ўз манфаатларига мос равишда фойдаланишади*. Жамият ҳам шу касалликка йўлиққан, «дунёда ўзини хон, кўланкасини майдон билди». Айниқса, АҚШ жамиятининг ҳозирги элитаси шайтоний маърифатни симириб олган. Бу элита халққа эмас, ўзининг малайларига кўпроқ ишониши билан ХХI асрнинг энг хавfli вируси ҳисобланади. АҚШнинг ҳозирги либерал жамияти ва унинг элитаси инсонни жамиятнинг устувор қадриятларига бўйсунушига даъват қилмайди, аксинча, инсонни бахт учун алдаб, «сотиб» олади. Унга кўра, кимнинг маънавий дунёси заиф, ахлоқий тарбияси етарли бўлмаса, у ғаразгўй элитанинг талвасаларига шунчалик тез ишонади. Бунинг учун АҚШнинг ҳозирги элитаси шундай ғоядан фойдаланмоқда: *«Ҳеч нарсани ўйламанг, фақат қандай йўл билан бўлса ҳам мулк топинг ва еб-ичинг»*. Жаҳон динлари ҳисобланмиш буддавийлик, христианлик ва исломда бундай қарашда Иблисга нисбат берилади. Ахлоқийлик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак албатта бу

ёмонлик ва ёвузлик тушунчасини англатади. Шу тариқа АҚШнинг ҳозирги элитаси «икки ёқлама стандарт» бўйича иш тутмоқда. *Биринчи стандарт*: «АҚШ жамиятини инсон ҳуқуқлари таъминланган жамият» деб эълон қилиш; *иккинчи стандарт*: «АҚШдан бошқа давлатларни, халқларни камситиш, ҳақорат қилиш». Бу билан АҚШ собиқ ЮСФСР, Ироқ ва дунёнинг турли жойларида амалга оширган ва ошираётган жиноятларини «асослаш»га уринмоқда.

АҚШ жамиятида диний эркинлик тушунчаси қандай бўлмасин Худо берган имкониятдан фойдаланиб, бой бўлиб олиш воситаси тушунилади. Улар амал қиладиган диний эътиқодда илоҳий ҳукмларга итоат қилиш йўқ. Чунки Америкада Европадан қувғинга учраган протестантликнинг Кальвин оқими талқинидаги эътиқод талқини одамлар онгини чирмаб олган. Бу оқим ўзича таълим берадики, «Худо одамларни яратмасидан аввал уларнинг қайси бирларини бахтли ва қайси бирларини бахтсиз қилишини белгилаб олган». Шу сабабли айрим омади чопмаган кишиларни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашади. Эътибор беринг, улар «Библия» ҳукмларини ҳам ўзларига мослаштириб олишган. Ваҳоланки, «Библия»да кимнинг бахтли ёки бахтсиз бўлиши қатъий белгилаб қўйилган эмас. АҚШ жамиятининг бугунги элитаси ўз мамлакатини қанчалик зўр бериб, «диний эркинлик таъминланган мамлакат» сифатида кўрсатишга уринмасин, жамиятда носоғлом ахлоқий муҳит юзага келган. Америкада сирли равишда ОАВ воситалари орқали мактабда, ҳукумат доирасида ҳатто *христианлик* динига қарши кураш олиб борилмоқда. Бу ҳақда судья Роберт Борк, Мартин Гросс ва Патрик Бюкенген китобларида, «Америка Оила Ассоциацияси Журнали»да дод деб ёзилмоқда. Шундай қилиб, АҚШ жамиятининг ҳозирги даражаси, айниқса бугунги маънавий-ахлоқий муҳитининг маданий-ахлоқий савияси инсон манфаатларига, ахлоқий камолотга хизмат қилувчи демократик жамият қадриятларига мос эмас. Бу таж-

риба шуни кўрсатадики, демократик жамиятнинг ахлоқий меъёрлари мажмуини маънавий идеал яратади. Ушбу масалада Фарб олимларининг ўзлари ҳам муайян вариантларни таклиф қилганлар. Бу вариантлар қуйидагилардан иборат: инглиз олими Дж.Х. Хеллоуэл жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳитини талаб даражасида сақлаб қолиш учун «анъанавий маданиятни сақлаб қолиш»ни таклиф қилади<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам диққат қилинса, инглиз жамиятида оила, қариндош-уруғчилик, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, кексаларни иззатлаш каби анъанавий маданият асослари деярли йўқолиб кетган. Бу ҳатто инглиз миллатининг генофондига салбий таъсир қилмоқда.

Олмониялик олим Г. Йонас демократик жамиятнинг мўътадил барқарорлигини «фуқароларнинг масъулиятни ҳис қилиши»да кўради<sup>2</sup>. Фуқаролик масъулияти уч масалада натижа беради:

1. Инсоний муносабатларни сақлаб қолиш.
2. Ижтимоий ҳамкорликни таъсис этиш.
3. Барқарор ривожланишни йўлга қўйиш.

Г. Йонаснинг бу таклифи Германия демократик жамияти учун муолажа йўли бўлиши мумкин. Америкалик олим С. Хантингтон АҚШ жамиятини цивилизациялараро тўқнашувдан огоҳлантиради ва америка жамиятини гегемонизмга интилишдан воз кечиб, «дунёдаги цивилизациявий жараёнлар билан мулоқотга киришиш йўли»ни таклиф қилади<sup>3</sup>. Бу борада, айниқса, «мусулмон мамлакатларидаги цивилизацияни четлаб ўтиб бўлмади»<sup>4</sup>.

Маълум бўладики, бугунги демократик жамиятларда маънавий идеалнинг ўта дунёвийлашиб кетганлиги жа-

---

<sup>1</sup> Дж. Х. Хеллоуэл. Моральные основания демократии. М., «Юность», 1993, 41-б.

<sup>2</sup> Г. Йонас. Принцип ответственности. М., «Астра», 2004, 80-б.

<sup>3</sup> С. Хантингтон. Столкновение цивилизации. М., «Аст», 2005, 54-б.

<sup>4</sup> Ўша манба. 60-б.



мият ахлоқий муҳитининг инқирозга юз тутишига олиб келган. Бу ҳол демократик жамият учун маънавий идеал ғоявий-фалсафий асос бўлиб хизмат қилишини яна бир бор кўрсатади. Шу жиҳатдан рус олими В. Грехневнинг мана бу фикри ҳозирги кун учун аҳамиятлидир:

1) маънавий ахлоқ инсонда вужуд ва руҳ бирлигини ҳосил қилади;

2) маънавий ахлоқ инсон ахлоқини жамиятнинг ахлоқий нормаларига мослаштириб боради;

3) маънавий ахлоқ инсон ва умуман жамиятда ижтимоий ахлоқий онгни таркиб топтиради<sup>1</sup>.

Булар маънавий идеалнинг демократик жамият ривожини учун ички қувват вазифасини ўташини кўрсатади. Шу сабабли бизнинг жамиятимизда истиқлол йилларида маънавият масаласига асосий диққат қаратилди. Чунки маънавият инсоннинг ақлий ва руҳий имкониятларини рўёбга чиқарувчи инсоний қувватдир. Бундай ёндашув кишиларимизнинг онгу тафаккурини эҳтиёж даражасида шакллантириш имкониятини беради. Негаки, бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмаслиги тарихий тажрибадан маълумдир.

Шундай қилиб, маънавий идеал демократик жамият ривожини тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Таъкидланганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

**Биринчидан**, маънавий идеал демократик жамият ривожини учун йўналтирувчи ва уюштирувчи асос бўлиб хизмат қилади.

**Иккинчидан**, маънавий идеал демократик қадриятларнинг инсонпарварлиги учун устқурмавий асос яради. Учинчидан, маънавий идеал демократик жамият учун янги тушунчалар, тамойиллар ва лойиҳаларни изчил равишда тақдим қилиб боради.

---

<sup>1</sup> В. С. Грехнев. Общественное мнение как форма духовной жизни. // Философия и общество. 2006, № 3, 26–27-бетлар.

## ХУЛОСА

Маънавий идеал инсон ва жамиятнинг ривожини учун асосий омил ролини ўтайди. Аждодларимиз ва бугунги ривожланган жамият зиёлилари инсон ва жамият муаммоларини ҳал этишда маънавий идеал омилига таянишган ва таянишмоқда.

Жамиятимиз тараққиётида маънавий идеал масаласига диққат қилишимиз керак. Бунинг учун олдимизда бир қатор вазифалар турибдики, уларнинг энг муҳимлари, бизнингча, қуйидагилардир:

*Биринчидан*, маънавий идеал муаммосини фундаментал равишда тадқиқ этиш, унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш.

*Иккинчидан*, мутафаккирларимизнинг маънавий идеал муаммосига доир қарашларини чуқур ўрганиш ва масалага оид концептуал йўналишлар яратиш.

*Учинчидан*, жамият тараққиётида маънавий идеалдан фойдаланишнинг асослари, мезонлари, тамойиллари ва йўналишларини таркиб топтириш.

*Тўртинчидан*, болалар боғчасидан тортиб олий ўқув юртигача бўлган таълим тизими воситасида ёшларда маънавий идеални узвий шакллантириш механизмларини яратиш.

*Бешинчидан*, маънавий идеал воситасида одамларнинг онги ва қалбини ёт гоёлардан мустаҳкам ҳимоя қилишга эришиш.

*Олтинчидан*, маънавий идеал асосларини конкретлаштириб ва самарадорлигини ошириб бориш. Чунки инсон маънавий идеалсиз маънавий камолот ҳосил қила олмайди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Каримов И.* Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 2007.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори.// «Халқ сўзи», 2006 йил 26 август сони.
3. *Алиқулов Х., Носиров Р., Ортиқов Т., Ашууров А., Райимжонов Ш.* Маънавий-ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида. Андижон, 2003.
4. *Алиқулов Х.* Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Т., «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2006.
5. *Бегматов А.* Маънавият фалсафаси. Т., «Шарқ», 2000.
6. *Бекмуродов М.* Ўзбек менталитети. Т., «Янги аср авлоди», 2004.
7. *Каримов И.* Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т., «Фан», 2001.
8. *Комилов Н.* Тафаккур карвонлари. Т., «Маънавият», 1998.
9. *Маҳмудов Т.* Мустақиллик ва маънавият. Т., «Шарқ», 2001.
10. *Маҳкамов У.* Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т., «Фан», 1994.
11. Миллий истиқлол ғояси ва фуқаролик бурчи. Т., «IQTISOD-MOLIYA», 2006.
12. *Назаров Қ.* Қадриятлар фалсафаси (аксиология). Т., 2004.
13. *Очилдиев А.* Миллатлараро тотувлик ва барқарорлик. Т., 2005.
14. *Разин А. В.* Этика. М., Академический проект, 2003.
15. *Сафо Очил.* Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т., «Ўқитувчи», 1997.
16. *Шайхова Х.* Маънавият ва соғлом авлод камолоти. Т., «Академия», 2006.
17. *Шайхова Х.* Ўзбек аёли – одоб тимсоли. Т., 2007.

18. *Форобий Абу Наср*. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993.
19. *Форобий Абу Наср*. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Т., «Ёзувчи», 2001.
20. *Қуронов М.* Ўзбек характери ва миллий ғоя. Т., «Маънавият», 2005.
21. *Қуронов М.* Оталар китоби. Т., «Ўзбекистон», 2006.
22. Этическая мысль. Сборник. М., ИПЛ, 1990.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1-фасл. Маънавий идеал ва унинг мазмуни .....	5
2-фасл. Маънавий идеалнинг жамият ахлоқий муҳитига таъсири .....	25
3-фасл. Маънавий идеал ва демократик жамият ривож Хулоса .....	44
Адабиётлар рўйхати .....	59
	60

МАТЛУБА ҚАҲҲОРОВА

МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ

*Тошкент «Маънавият» 2008*

Муҳаррир *У. Қўчқоров*

Мусаввир *Н. Попов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *О. Бозорова*

Компьютерда тайёрловчи *Г. Отаскевич*

Теришга 17.03.2008 й. да берилди. Босишга 16.04.2008 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/<sub>32</sub> Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 3,36 . Нашр т. 3,31. 3000 нусха. Буюртма № 279 Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 10–08.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86-уй. 2008.

66.3 (29) + 87.7

К 35

**Қаҳҳорова, Матлуба**

Маънавий идеал/ М. Қаҳҳорова; Масъул муҳар-  
рир Ш. Тўраев; Республика маънавият ва маъри-  
фат кенгаши, Миллий гоя ва мафкура илмий-  
амалий маркази. — Тошкент: Маънавият, 2008. —  
64 б.

ББК 71.04